

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 61 (10.366)

2005 ЙИЛ 29 МАРТ



Юнусобод туман меҳнат бўлимининг жамоаси иш билан банд бўлган аҳолини рўйхатга олиш, уларни ўзлари хоҳлаган мутахассисликлар бўйича ишга жойлаштириш ҳамда касбга қайта ўқишга йўллаш мақсадларида белгиланган режага асосан иш юритмоқдалар.

**СУРАТДА:** меҳнат бўлимининг жонкуяр ходимларидан Пўлат Саъдуллаев ва Елена Перевозчиковалар туманда яшовчи фуқарога малакали маслаҳат бермоқдалар.

Ҳажимжон Солиҳов олган сурат.

### ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚИРГИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ, БОШ ВАЗИРИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ

Шу йил 28 мартда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Қирғизистон Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазири Курманбек Бакиев билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат чоғида сўнги кунлар ва ҳафталада Қирғизистонда рўй берган воқеалар ҳақида батафсил фикр алмашилди. Аҳолининг оммавий норозилик чиқишларига, охир-оқибат Ҳукумат уйининг ишғол қилиниши ва Қирғизистонда ҳокимиятнинг ўзгаришига олиб келган сабаб ҳамда омиллаларга баҳо беришда томонларнинг позицияси бир хиллиги ва уйғунлиги қайд этилди.

Юзага келган барча муаммоларни ҳуқуқий асослар ва Конституция талаблари доирасида ҳал этиш, бузғунчи кучларнинг мамлакатдаги вазиятни мураккаблаштиришга олиб келиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларини бартараф этиш учун мавжуд барча имкониятларни тўла сафарбар қилиш ҳамда улардан фойдаланиш зарур ва муҳим эканлиги ҳам таъкидланди.

Қирғизистондаги бугунги энг муҳим ва долзарб вазифаларни ҳал этишда томонларнинг ҳамжихатликда ҳаракат қилиши ва амалий ҳамкорлиги тўғрисида келишиб олинди.

/ЎЗА/

**XXI сағоси**  
аср  
Барча маълумотлардан  
опиятган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган аънавий “Ташаббус” кўрик-танловининг Жиззах ва Андижон вилоят босқичлари якунланди.

• Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлиги қақуруви резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ шу йилнинг мартида Бухоро ва Навоий вилояти бўйича 650 нафардан зиёд аскар йигитлик бурчини ўтади.

• Тошкент ахборот технологиялари университетида Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари марказининг очилиши борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

• Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ёшлар учун очик эшиклар кунини ўтказди.

• Ўзбекистон Бадий академиясининг Замоновий санъат марказида хунармандчилик фестивали ва “Ўзбекистон тўқимачлиги ва дизайни. Аънава ва замонавийлик” мавзуида кўрғазма очилди.

• Ангрн компьютер ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежида «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг баскетбол бўйича Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда 120 нафар спортчи иштирок этди.

• Тошкентда хотин-қизлар ва ўсмир ёшларнинг Мохларойим номли ўқув маркази очилди.

**Жаҳонда**

• Европадаги кўплаб авиакомпаниялар чипталар нархини оширмоқда. Бунга сабаб жаҳон бозорида нефт нархининг кўтарилишидир.

• Францияда ўзини АЗФ деб номлаган гуруҳ мамлакат ҳукуматига таҳдид солувчи мактуб йўлади.

• Италиянинг Неапол шаҳридаги черков яқинида турган машина портлади. Амалга оширилган ушбу кўпуровчилик ҳаракати натижасида бир киши ҳаётдан кўз юмган.

• Москвада 10 минг квадрат метр ерни камраган улкан ёнғин содир бўлди — ёдгорликлар ва халқ хунармандчилиги махсулотлари сотиладиган Измайл ярмарка-вернисаж бирипасда куйиб кулга айланди.

• Куба пойтахти Гаванада аънававий рақс фестивали бўлиб ўтди. Унда 36 мамлакат вакиллари ўз санъатларини намойиш этишди.

### ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

28 март кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Эркин Халилов олиб борди.

Кенгаш аъзолари Қонунчилик палатаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритиш учун тавсия этилаётган масалаларга доир таклифларни кўриб чиқилди.

Мажлисида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг раиси А.Аҳадов, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасининг раиси А.Турсунов, Қонун-

чилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг раиси Н.Исмоилов, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитасининг раиси М.Тешабоев ҳамда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидовнинг ахборотлари эшитилди.

Таклиф этилаётган масалаларни навбатдаги мажлисининг кун тартибига киритишни Қонунчилик палатасига тавсия этиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Қонунчилик палатаси ўз ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

### АҲОЛИ СОҒЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда Президент Ислон Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, жиҳоман ва маънан баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётди. 2005 йил — Сихат-саломатлик йили, деб эълон қилинган бунинг яққол далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг қонуний асослари ва уни такомиллаштириш муаммоларига бағишлаб ўтказилган семинарда ана шулар ҳақида гап борди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ва муассасалар раҳбарлари,

мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилди.

Мазкур кўмита раиси И.Насриев бошқарган анжуманида парламентда соғлиқни сақлаш тизимига оид қонунларни такомиллаштириш,

янгиларини қабул қилиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуманда давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Фуқаролар соғлиқини сақлаш тўғрисида”ги қонуннинг ижросига бағишланган маърузалар тингиланди.

### ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲҚАМЛАШ ЙЎЛИДА

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик масалалари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, парламент фаолиятини ёритувчи журналистлар қатнашди. Тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда демократик янгилашишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг гоят муҳим шартини сифатида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга ошириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни

янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бу борадаги муҳим вазифалардандир.

Йилгилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Н.Исмоилов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва тузилмаларининг ОАВ билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари ҳақида, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси раиси Х.Дўстмухамедов ушбу ҳамкорлик борасида хорижда орттирилган тажриба тўғрисида маъруза қилди.

ЎЗА

**ПОЙТАХТНИНГ  
Бир кунини**

Янгиликлар, воқеалар

• **ЮНУСОБОД** туманидаги 63-мактабда Мансур Хўжаев ва Ғайратий маҳаллалари фаоллари иштирокида ўтказилган тадбир ёшлар онига миллий қадрият тушунчасини чуқурроқ сингдириш масалаларига бағишланди.

• **МУКМИЙ** номли ўзбек Давлат музикни театрида Халқаро театр кунини муносабати билан байрам тадбири ташкил этилди.

• **«ОЛТИНТЕПА»** маҳалласида маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан уюштирилган тадбирда кам таъминланган оилалар аъзолари ва қариялар иштирок эттишди.

• **ШАҲРИМИЗДАГИ** 251-мактабда зғулик ва яшариш айёми Наврўзга бағишлаб ўтказилган тадбирда дастурхонга ўқувчилар томонидан сумалак, кўк сомса тортилди.

• **«БУНЁДҚОР»** ёшлар телеклубида янгилашиш айёми муносабати билан тадбир ўтказилди. Унда иштирок этган ёшлар Наврўзи олам тарихи ҳақида дилдан суҳбат қуришди.

• **«КАМОЛОТ»** ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорликларида шаҳримизда ёшлар таълимини ривожлантиришга ҳисса қўиш мақсадида уюштирилган форум «Таълим, бандлик, карьера» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва ўз  
мухбирларимиз  
хабарларидан.

Иқтисодий

**ЭКОЛОГИК  
ТОЗА  
ВОСИТАЛАР**

Бугунги кунда юртимизда тайёрланаётган сифатли, рақобатбардош маҳсулотларнинг «Ўзбекистонда тайёрланган» тамғаси билан хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинаётганлиги эътиборга лойиқдир. «Avtisenna — Aroma» масъулияти чекланган жамиятининг маҳсулотлари аини шундай импорт ўрнини босади.

Мазкур жамоа аҳли 2003 йил охирида иш бошлаган бўлиб, бугунги кунга келиб юксак самарали, экологик тоза бўлган «Septaksin» дезинфекцияловчи воситаларини ишлаб чиқармоқда. Улар 1 ва 5 литр ҳажмли пластмасса идишларда қадоқланиб, 5 йиллик саклаш муддати билан чиқарилади.

Эътиборли томони, корхона аҳли изланишлари боис «Ташаббус» кўрик-танловининг Мирзо Улуғбек туман босқичида «Энг яхши тадбиркор» номинациясида 1-ўринга муносиб топилди. Бир йилдан ортиқроқ вақт мобайнида уларнинг маҳсулотлари даволлаш-профилактика муассасалари, лабораториялар, умумий овқatlanish тармоқлари, транспорт, савдо-сотик ҳамда коммунал-маиший соҳаларида муваффақиятли қўлланилмоқда. Жумладан, алко-голиз ичимликлар, сут саноатида ҳамда қишлоқ хўжалигида самарали ишлатилади.

Корхона маҳсулотлари нафақат республикамиз, балки қўшни Қозоғистон, Қирғизистонга жўнатилади. Яқинда эса Россия давлатига ҳам шартнома асосида сифатли дезинфекцияловчи воситалар экспорт қилинади.

**ХУНАР — ЗАР**

Ҳар гал хунармандлар ишини кузатар эканмиз, ота-боболаримизнинг маҳоратларига қайта-қайта тасаннолар айта-миз. Боиси, кўли гул хунармандлар неча асрлардан буён аждодларимизнинг бебаҳо санъат асарлари довругини дунёга ёймоқдалар.

Егоч ўймакорлиги соҳасида фаолият юритаётган уста Аскархўжа Обиджонов жуда ёшлигидан бу хунарнинг сир-асрорларини кунт билан пухта эгаллади. Бугунги кунга келиб эса уста егоч ўймакорлигининг кўрган кўзларни қувнатувчи маҳсулотларидан 30 хилга яқинини — 2 тавақали эшик, китоб жавони, бир-бирини такрорламайдиган ҳар хил ҳажмли кутчалар, лаган, ликобчаларни кўнлаб кўрик-танлов, ярмаркаларда намойиш этган. Эътиборли томони, устанин ҳозирда бир неча иқтидорли шогирдлари унинг хунари сирларидан воқиф бўлмоқдалар.

**Муҳаббат  
ҲАБИБУЛЛАЕВА**

«Ташаббус-2005»

Ташаббус бор жойда, албатта, янгилик бўлади. Янгиликка интилиш, изланиш эса муваффақиятлар сари дадил одимдир. Буни мамлакатимизда анъанага айланиб қолган «Ташаббус» кўрик-танлови яққол исботламоқда.

**ИЗЛАНИШ ВА  
МАҲОРАТ КЎРИГИ**

Юнусобод тумани тадбиркорлари ва хунармандлари ўртасида ўтказилган «Ташаббус-2005» кўрик-танлови бунга ёрқин мисолдир. Аввало, ушбу тадбирга ташриф буюрганлар танлов иштирокчилари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, тайёрланаётган буюмлар кўргазмасини кўздан кечириш экан, изланиш ва интилишларнинг самарасини сезишди. Эътиборлиси эса, ишлаб чиқарувчиларнинг асосий қисми кўрик-танловда илк бор иштирок этишмоқда. Полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган «SHARQ-PLAST-SERVIS» масъулияти чекланган жамияти, ўтга чидамли маҳсулотлари билан четдан келтирилдиган ана шундай товарлар ҳажмини камайтиришни ният қилган «OSIYO-SAMIN» хусусий фирмаси, импорт ўрнини босувчи қурилиш ашёлари билан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари кўламини ошираётган «ROSSER» масъулияти чекланган жамияти ва бошқа тадбиркорлар ҳамда миллий хунармандчилигимиз довругини жаҳонга ёйишга интилаётган кўли гул усталар туман



тақил Ватанимизни жаҳонга танитишга интилаётган тадбиркор хунар аҳлини рағбатлантириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ўз ишларига ишончларини янада ортириш, сафларини кенгайтиришдир. Зеро, кичик ва хусусий тадбиркорлик ривож мамлакат иқтисодиётининг асосини ташкил этади.

босқичида беллашар эканлар, ҳар бирининг билим ва маҳорати, иқтисодиётимиз ривожига қўшаётган ҳиссалари эътибордан четда қолмади.

— Ҳар йили ўтказилаётган ушбу анъанавий кўрик-танловни бир-бирига қиёслар эканмиз, тадбиркор ва хунармандларимизнинг маҳорати ортиб бораётганини, уларнинг сафлари изланувчан, ташаббускор ёшлар билан кенгайтиганининг гувоҳи бўлаямиз, — дейди Республика Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси Юнусобод туман филиали раҳбари Хайрулла Холхўжаев. — Кўрик-танловга туманда фаолият кўрсатаётган энг сара тадбиркор ва хунармандлар танлов олинди. Улар, яъни 5 тадбиркор ва 9 хунарманд 3 та босқич бўйича бир-бирлари билан беллашишмоқда. Энг муҳими эса ташкилотчи ҳамда ҳайъат аъзоларининг ҳам мақсади аниқ, яъни меҳнатлари билан юртга фойдаси тегаётган, мус-



бонирчиликни миллий каштачилик устаси Нилуфар Исмаилова эгаллаб, «Энг яхши хунарманд» номини олди. Егоч ўймакори Камолиддин Раҳимов иккинчи, Қудрат Исроилов учинчи ўрин соҳибиди.

Хайъат аъзолари кўрик-танлов шартлари бўйича иштирокчиларнинг чиқишларини холис баҳолаб боришди. Айниқса, тест саволларига жавоб беришда ҳар бир иштирокчининг билим даражаси кўриқдан ўтди. Томошабинларнинг олқишлаб туришлари эса алоҳида мадад бўлди.

Танлов якунига кўра «ROSSER» масъулияти чекланган жамияти директори Пётр Романов ғолибликни қўлга киритиб, «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлди. Иккинчи ўрин «Mavlon Texnik» масъулияти чекланган жамияти (директори Шинора Абдиқолиқова), учинчи ўрин эса «SHARQ-PLAST-SERVIS» масъулияти чекланган жамияти (директори Сайфиддин Ибрагимов)га насиб этди.

Хунармандлар ўртасида биринчиликни миллий каштачилик устаси Нилуфар Исмаилова эгаллаб, «Энг яхши хунарманд» номини олди. Егоч ўймакори Камолиддин Раҳимов иккинчи, Қудрат Исроилов учинчи ўрин соҳибиди.

Ғолиблар ва барча иштирокчиларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Биринчи ўрин соҳиблари танловнинг пойтахт босқичида қатнишиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**Шарифа ИЛЁСОВА  
СУРАТЛАРДА:** кўрик-танловдан лавҳалар.  
**Ҳақимжон Солиҳов** олган суратлар.

**ШАҲАР  
БОСҚИЧИГА  
ЧИҚИШДИ**



**«Ташаббус-2005» кўрик-танловининг Ҳамза туман босқичи бўлиб ўтди.**

Икки йўналишда, яъни «Энг яхши тадбиркор» ва «Энг яхши хунарманд» номинациялари асосида ўтказилган ушбу танловда тумандаги «EAST-KOLOR», «UVA PROFIL» масъулияти чекланган жамиятлари, «SDI-Zumrad», «Arabboy sport kafolat» хусусий фирмалари ҳамда «Shafak-texstil» қўшма корхонаси ва хунармандлар иштирок этишиб бир неча шартлар асосида беллашди-лар.

Қизгин кечган беллашувлар нихоясида ғолиблар аниқланди. Бунга кўра «Энг яхши тадбиркор» номинациясига «EAST-KOLOR» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Геннадий Газиёв муносиб деб топилди ва шу номинация бўйича 2-3-ўринларни «Arabboy sport kafolat» хусусий фирмаси раҳбари Араббой Арзиқулов ҳамда «UVA PROFIL» корхонаси раҳбари Владимир Ли эгаллади. Шунингдек, танловнинг «Энг яхши хунарманд» номинациясига заргар уста — Мухсин Дадамухамедов лойиқ деб топилди.

Ғолиблар танловнинг шаҳар босқичида иштирок этадилар.

**Орзугул РУСТАМОВА**

яъни 88-автобус йўналиши тўхтамайдиган бекатда йўловчиларни куттириб қўйганимиз учун, улардан кечирим сўраймиз.

қилиб, 13-трамвай оралиқ қатнов вақтининг узайишига сабаб бўлди.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА  
ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

Газетамизнинг жорий йилнинг 9 февралдаги «Кўнгилдаги иш бўларди», 14 февралда чоп этилган «Амалий чоралар қўллаш керак», 15 февралдаги «Бозор атрофида ҳам қулайликлар яратилса...» сарлавҳалари остидаги материалларида пойтахтимиз жамоат транспорти қатновидаги айрим камчиликлар таъкид қилиниб, тақдир ва мулоҳазалар баён этилган эди. «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Т. Дадабоев имзоси билан таҳририятга юборилган жавоб хатларида қуйидагилар таъкидланган:

**АМАЛИЙ ЧОРАЛАР  
ҚЎЛЛАШ КЕРАК**

«Амалий чоралар қўллаш керак» сарлавҳали мақола 3-трамвай-троллейбус депосида муҳандис-техник ходимлар ва ҳайдовчилар иштирокида кенг муҳокама қилинди.

Шу йилнинг 25-27 январь кунлари электр нимстанциясида электр энергиянинг ўчирилиши электр қувватининг пасайишига олиб келди ва бу ўз навбатида трамвай ҳаракатининг тезлик режимига таъсир

Мақолада кўрсатилган камчиликларга йўл қўймаслик мақсадида 13-трамвай йўналиши ҳайдовчилари билан қўшимча йўриқнома ўтказилди, раҳбар ходим ва йўналиш сардорлари томонидан йўловчилар гажум бекатларда навбатчилик ташкил этилди.

Кўрилган чоралар, тадбирлар 13-трамвай йўналишининг бир маромда ишлашини таъминлайди.

**БОЗОР АТРОФИДА  
ҲАМ ҚУЛАЙЛИКЛАР  
ЯРАТИЛСА...**

Юқоридаги сарлавҳа билан эълон қилинган мақолада кўрсатилганидек, ҳақиқатан ҳам «Карвон бозор» худуди ва атрофида жамоат транспорти учун тўхташ бекатини, охири бекати ушбу худудда бўлган ва Халқа йўли бўйлаб ўтиб кетувчи йўналишлар учун биргаликда ҳал этилиши керак. Бунинг учун Тошкент Бош режани лойиҳалаш Илимий-тадқиқот институтига сўнгги ва оралиқ бекатларини ичига олган, йўлчиноқлар билан жиҳозланган транспорт тармоғи лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилиши лозим.

Бугунги кунда, «Карвон бозор» худудида автобуслар тўхташи учун сўнгги шохбекат қуриб битказилди ва ҳаракат тарҳи келишилгандан сўнг, охириги бекати ушбу худудда бўлган йўналишлар учун масала ҳал этилади.

*Саҳна*

**ЯПОНИЯДА  
ЎЗБЕК  
ТАРОНАЛАРИ**

Японияда «ЭКСПО-2005» халқаро кўргазма форуми ўз ишнин бошлади. «Табиатнинг ажойиб эҳсоли» деган мавзуда бағишланиб, 25 мартдан то 25 сентябргача давом этадиган бу йирик анжуман дастури бўйича кўпгина маданий тадбирларни ўтказиш ҳам режалаштирилди.

Кунчиқар мамлакатнинг Сето, Нагакуте, Мойоте шаҳарларидаги сайилгоҳ майдонларида, концерт залларида ташкил этиладиган концертларда жаҳонга машҳур фольклор ансамбллари қатнашади.

Юртимизнинг «Муножат» мақом жамоаси ҳам халқаро форумга алоҳида концерт дастурини тайёрлади. Ўзбекистон халқ артисти, хушовоз хонанда Муножат Йўлчиева ҳам ўз ижрочилик маҳоратини намойиш қилади.

**ЗАВҚ-ШАВҚ  
УЙҒОТДИ**

Қорақалпоқча тўй шодиёнаси саҳна орқали томошабинларга тақдим этилди. Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти талабалари томонидан постановка қилинган бу томоша кўпчиликларида яхши таассурот қолдириди.

Гап шундаки мазкур саҳна кўриниши Ўзбекистон Давлат консерваториясида намойиш қилинган концерт дастурдан ўрин олди. Олий мусиқа мактабда уюштирилган бу маданий тадбир санъат институтида таҳсил кўраётган қорақалпоқ талабалари ижрочилик маҳорати намойишига айланди.

«Ўзбекистон — менинг Ватаним» шиори остида ташкил этилган концерт доирасида қорақалпоғистонлик ёш расомлар чизган картиналар кўргазмаси ҳам кўрсатилди.

**ХАЛҚАРО  
ФЕСТИВАЛГА —  
ЯНГИ  
СПЕКТАКЛАР**

«Ассалом, Наврўз» деб номланган постановка кичик томошабинларга қизиқиш уйғотмоқда. Баҳор байрами Наврўзга бағишланган бу спектакль яқинда Республика кўғирчоқ театри репертуаридан ўрин олди.

«Кичик саҳна» усталари йил давомида ўз мухлисларини яна қатор янги асарлар билан хушнуд қилади. Бундай қувноқ спектакллардан бири «Синдбод ва унинг дўстлари» деб номланади. Ёшларни дўстликка, ўзаро ҳурмат қилишга ундовчи мазкур постановка саҳна юзини кўргач, чет эл ижодий сафар дастурига киритилади.

Зеро, театрининг Италияга қиладиган гастролига катта тайёргарлик кўрилмақда. Бундан ташқари навбатдаги кўғирчоқ театрлари халқаро фестивалида намойиш этиш учун янги спектакль тайёрланмоқда.

Ақбар АЛИЕВ



Бугун диёримизда ёқимли ва фусункор кўклам нафаси кезмоқда. Барча-барчамизнинг қалбларимиз Наврўз нашидасидан, шукухидан завққа тўлган. Наврўз, Баҳорнинг тараннум этувчи кўшиқлар олами тугган. Ҳамма ерда байрам шодиёналари ўзгача кўтаринки рух билан нишонланмоқда.

Собир Раҳимов туманидаги Беруний номли маҳаллада ҳам «Ассалом, Наврўз!» деб номланган байрам тадбири катта шодиёнага айланди. Маҳаллада

катта дошқозонларда баҳорнинг тансиқ таомлари — ҳалим, сумалак пиширилиб байрам дастурхонига тортилди. Шунингдек, маҳалладаги беморлар, ёлғиз қарияларга ҳам байрам совғалари билан бирга тарқатилди. Кўк сомса, чучвара, қатламаю варақилар билан безатилган дастурхон атрофида кексаю ёш йигилиб хуш кайфият, очик чеҳра билан бир-бирларини қадриятларимиз улуғланган эзгу байрамимиз билан қутлашди. Кексалар кўли дуода бўлиб, Юртбошимизга, элимизга тинчлик,

*Наврўз нашидаси*

**ҚАЛБЛАР  
ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ**

Жаранглади танбур, торлар,  
Кўкда куйш мамнун порлар,  
Сумалакка бизни чорлар  
Дўстлар келинг, бугун Наврўз...



(Ўз мухбиримиз) **СУРАТЛАРДА:** Беруний номли маҳаллада бўлиб ўтган байрам шодиёналаридан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



**ҲАМЖИҲАТЛИКДА  
НИШОНЛАНДИ**

Шайхонтоҳур туманидаги 45-мактабда ҳам Наврўз айёмига тайёргарлик баҳорнинг илк тафти сезилгандаёқ бошлаб юборилган эди. Ўқувчи ва ўқитувчилар ўзлари илм олаётган зиё масканини озода, покиза ҳолга келтириш мақсадида катта ҳашарлар ўтказишди, мевали дарахт ва гуллар ўтказишди, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушларида деярли барча ўқувчилар иштирок этишди.

Шунингдек, мактабдаги «Саҳоватли болалар ҳаракати» аъзолари кекса ва нафақадаги устозларини бориб кўрдилар, баҳорий юмушларига ёрдам бердилар. — Мактабимизда баҳор ва янгиланиш байрамини муносиб кутиб олдик. — дейди ўқув маскани ўқитувчиси Нодира Даладжонова. — Бир ой давомида очик тарбиявий соатлар, «Бу гўзал олам» мавзусида асфальтга расм чизиш ва деворий газеталар танловларини ўтказдик. Фолибларни муносиб тарзда рағбатлантириб мукофотладик.

Кўни кеча мактабда «Ассалом,

Наврўз» деб номланган катта байрам тадбири ҳам бўлиб ўтди. Отаналар, нуруний кексалар маҳалла фаоллари, ўқитувчи ва ўқувчилар қатнашган ушбу тадбирда янграган баҳор, қадр-қиммат, оқибатни мадҳ этувчи куй-кўшиқ, дилбар рақс, шеър ва саҳна кўришилари барчага маъқул бўлди. Ўқувчиларнинг ўзлари тайёрлаган сумалак, кўк сомса-ю чучваралар байрам дастурхонини безади. Миллий қадриятларимиз гултожи бўлган Наврўз айёми мана шундай шодиёналик билан нишонланди.

Шаҳризода МУХСИМОВА



Наврўзи олам шукуҳи юртимиз узра кезиб юрибди. Шаҳримиз гўшаларида ҳамон байрам тадбирлари давом этмоқда. Катта-катта дошқозонларда сумалаклар, ҳалимлар пиширилмоқда. Кўшиқлар ва алёрлар оҳангига сел бўлиб ёшу кекса бирдай тантана қилмоқда. Савобталаб ҳамшаҳарларимиз турли хил кўчатлар ўтказиб ён-атрофларни тозалаб, саришталаш ишларига берилиб кетганлар.

**ТАНТАНАЛАР  
ДАВОМ ЭТМОҚДА**

Юнусобод тумани Ҳасанбой даҳасидаги «Шарқ ҳақиқати» маҳалласи ҳам фасли навбахорини ўзгача бир шукуҳда кутиб олдилар. Маҳалла фуқаролари ҳамкорликда кўча четларига мевали дарахтлар, терак кўчатлари ўтқаздилар. Маҳаллада жойлашган 312-мактаб атрофларини, спорт майдончасини тозалаб дарахтларни бўяшди. Орасталик ишлари тугагандан сўнг маҳалладаги Турсунмурод хожи ота гузаридеда байрам дастурхони тузалиб шодиёна, ўйин-кулги бошланди.

Маҳалла оқсоқоли Шавкат Ирисметов баҳорнинг муқаддас ва навқирон байрами Наврўз билан барча маҳалладошларни қутлади. Маҳаллада истикомат қиладиган ноқирон ва кам ташминланган оилаларга байрам совғалари тарқатилди.

Шоир айтгандек,  
Гул сочиб боғларимга нозланиб баҳор келди,  
Хушбўй ифорлар билан фасли навбахор келди.  
Қолмади қишдан нишон, юрак шодликка тўлди,  
Алёр, гулёрлар билан, жонимга мадор келди.

Ўлмас НОРМАТОВ

*Анжуманлар*

**ЯНГИ ЛОЙИҲА — АМАЛДА**

Саҳоватга, меҳрга муҳтож инсонларнинг оғирини енгил қилиш, уларга маънавий-моддий кўмак бериш, муҳими ҳаётда ўз ўринларини топишларига имкон яратиш мақсадида юртимизда кўплаб нодавлат, нотижорат жамоат ташкилотлари фаолият олаёт бормоқда.

Кўмакка муҳтож инсонларга ёрдам кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида ўтган йили шаҳримизда Ахборот манбалар маркази иш бошлаганди. «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти учун ноқиронлик масалалари бўйича ахборот манбалар тармоғи» лойиҳаси Европа иттифоқи комиссияси томонидан «Институционал ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик. Фуқаролик жамияти ва маҳаллий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш» дастури доирасида молиялаштирилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ёрдамга муҳтож инсонлар манфаатини ҳимоя қилаётган нодавлат нотижорат жамоат ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш мақсадида ташкил

этилган Ахборот манбалар маркази ноқиронлик масалалари бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда халқаро миқёсдаги барча ҳужжатлар, қўланмаларни кенг омма эътиборига, шуни кенг, нодавлат нотижорат ташкилотларига тақдим этилади, ушбу масала бўйича юзага келадиган барча саволларга жавоб беради.

Кўни кеча «Дедеман» меҳмонхонасида «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти учун ноқиронлик масалалари бўйича ахборот манбалар тармоғи» лойиҳаси доирасида тадбир бўлиб ўтди. Унда Ахборот манбалар маркази томонидан чоп этилган мамлакатимиз

даги алоҳида ёрдамга муҳтож кишилар учун фаолият юритувчи муассаса, ташкилотлар маълумотномаси эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари вакиллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этган ушбу тадбирда маълумотноманинг ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш, ноқиронлар манфаати учун фаолият юритаётган ташкилот ва муассасаларнинг сый-ҳаракатларини бирлаштиришдаги аҳамияти борасида сўз борди.

Тақдирот маросимида иштирок этган Европа Иттифоқи комиссияси раҳбари ўринбосари

Бахтиёр Садриддинов, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бўлим бошлиғи Жамолддин Нажмиддинов, Ўзбекистон ноқиронлар жамияти раиси Ойбек Исоқов, Республика кўзи ожизлар, қар-соқовлар жамиятлари раислари Ёқуб Жавлонов, Бахтиёр Абдужабборов, Республика Миллий реабилитация маркази директори Носир Муҳаммаджоновлар ўз сўзларида Ахборот манбалар маркази томонидан тақдим этилган маълумотноманинг аҳолининг, хусусан ноқиронларни ижтимоий муҳофаза қилишдаги аҳамияти бекиёб эканлигини таъкидлаб, ижтимоий муҳофазани ўзига дастурийлашмаб деб билган бошқа қорхона ҳамда ташкилотларни ўзаро ҳамкорлик қилишга чақирдилар.

Савол-жавоб руҳида давом этган ушбу анжуманда жорий йилда ҳам Ахборот манбалар маркази томонидан яна янги маълумотнома чоп этилиши режалаштирилганлиги айтиб ўтилади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

— Бахтиёр Шарифбаевич, маълумки, юртимизда бир йилда икки мартаба — куз ва баҳор ойларида ўғлонларимиз ўз йигитлик бурчини ўташ учун мuddатли ҳарбий хизматга жалб қилинади. Сўбатимизни кузги чақирув натижаларига қандай ақунлангани билан бошласан.

— Барча соҳаларда бўлгани каби ҳарбий соҳада ҳам изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Мақсад эса тезкор, икчам, замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган профессионал армияни шакллантиришдир. Маълумки, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»-ги янги Қонунга мувофиқ йигитларимиз Қуролли Кучларимиз сафларида ўз икки ой хизмат қилишмоқда. Юқоридagi талабларга биноан эса бу қисқа вақтда Ватан посбонларини тарбиялаш осон эмас. Демак биз тарбияни жуда ёшлардан бошлаб пишиқ-пuxта тарзда чақирмақда олиб боришимиз лозим. Кейинги йиллардаги кўрсаткичларга назар ташласан, бу борада анча юқорига кўтарилганимизни, ҳарбий соҳадаги ислохотлар хизмат нуфузининг ошишига омил бўлаётганини кўришимиз мумкин. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кузги чақирув кўрсаткичлари бўйича шахримиз энг юқори натижага эришди. Кузги чақирувда хизматга тиббий текширув ва тест синовларига кўра, яъни танловда энг юқори натижага эришган йигитлар саралаб олинди. Хизматга жўнатилган йигитларнинг аксарияти олиқ ва ўрта махсус билимга эгадир. Янгиликлардан яна бири — бўлгуси Ватан посбонлари спорт кийимларида, «Камолот» ЕИХ, «Маҳалла» жамғармаси каби қатор жамоат ташкилотларининг совға-саломлари берилиб, катта тантана билан кузатилади. Ўз навбатида хизматни шараф билан уйдалаб, ёруғ юз билан ўз уйларига қайтаётган йигитлар ҳам муносиб

кутиб олинди, уларнинг ишга ёки ўқишга жойлаштишларига ҳар томонлама кўмак берилди.

— **Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридagi қарорига кўра** шахримиздаги ўн битта туман мудофаа бўлимларида баҳорги чақирик юмушлари олиб боришмоқда...

— Айтиб ўтиш лозимки, баҳорги чақирик таъбирларлик кузги чақирув муваффақиятли тугалланганидан кейинқок бошлаб юборилган. Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига биноан январь ойидан бошлаб туман мудофаа бўлимларида танлов комиссияси аъзолари — «Камолот» ЕИХ, «Маҳалла» жамғармаси, Халқ таълими, Ички ишлар, маданият ва спорт ишлари бош бошқармалари ва мудофаа бўлими вакиллари маҳалла, қорхона, ташкилот ва ўқув муассасаларида бўлишиб, баҳорги чақирув бўйича ёшлар ва ота-оналар билан мулоқотлар ва қизиқarli учрашув, давра суҳбатларини ўтказдилар. Улар баҳорда чақириладиган йигитларнинг соғлиқ даражасини олдиндан аниқлаш, тест, танлов бўйича тушунтириш ишларини олиб бордилар.

Баҳорги чақирувдаги янгиликлардан яна бири — Мудофаа вазирининг буйруғига биноан тиббий комиссияси ва танлов натижаларига кўра энг юқори балл тўплаган 18 дан 22 ёшгача бўлган йигитлар мuddатли хизматга олинади, чақирув мuddатини кечиктириш ва чақири-

лишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига набатдаги мuddатга қақирилмаган 23 дан 27 ёшгача бўлган йигитлар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинадилар. Бугунги кунда шаҳар чақирув пунктида ҳам қўшимча тиббий комиссия ўтказилмоқда. Четгара қўшинлари ва ички ишлар қўшинлари вакиллари қатнашган

ташкilotлари ҳамкорлигида уларни тантанали кузатиш ва кутиб олиш тадбирлари ўтказилди.

— **Шу ўринда хизматнинг янги тури** ҳисобланмиш сафарбарлик чақируви резерви ҳақида ҳам тушунтириш бериб ўтсангиз.

— Айтиб ўтганимдек шу йилги баҳорги чақирувдан бошлаб 23 ёшдан 27 ёшгача

яратди.

— **Чақирувнинг сифатли ўтишида** албатта йигин пунктларидаги яратилган шарт-шароит маълум маънода катта аҳамиятга эга. Туман мудофаа бўлимларида бу хусусдаги таъбирларлик қандай?

— Утган йили Қ. Собод, Бектемир, Юнюрларлари капитал таъмирлаш ишларини олиб борган эдик. Бугунги кунда барча туманлардаги мудофаа бўлимлари йигин пунктларида қақирлувчиларни тиббий ва тест синовларидан ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар, олиқ тоифали шифокор ва малакали ходимлар уларни тўлиқ, хар томонлама текширувдан ўтказма оладилар. Барча лаборатория текширувлари қақирлувчиларнинг ўтказилмоқда. Бунда алқур

ва тест синовларидан ўтишса бас, ҳеч қандай оворагарчиликка ҳожат қолмайди. Ватан хизматига доимо шай туришини, ватанпарварлик жуда ёшлиқдан улар онгига синдириш зарур.

— **Мудофаа бўлимлари билан бевосита** биргаликда иш олиб борадиган давлат ва жамоат ташкilotлари ҳақида ҳам фикрингизни билмоқчи эдик.

— «Камолот» ЕИХ, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкilotи ҳақида алоҳида тўхталиб ўтсак бўлади. Бу ташкilot ва жамғармалар, шаҳар ва туман ҳокимлиги вакиллари мудофаа бўлимларида танлов комиссиясида бевосита иштирок этадилар. Бундан ташқари халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бош-бошқармалари вакиллари ҳам комиссияда иштирок этиб, қақирлувчи балл қўйилаётганда ўз фикрини айтиб, адолат тамойилларининг бузилмаслигига ҳиссасини қўшади. Ҳарбий округ штабига эса ҳарбий қисмлардан келган вакиллар ҳам уларни саралашда. Бир сўз билан айтганда, аскарликнинг шарафли юмуши хар кимга ҳам насиб этавермайди. Ота-оналар билан учрашувлар, маҳалла, ўқув юртиларида ўтказиладиган барча тадбирлар, Ватан посбонлигига муносиб топишларини тантанали кузатиш, хизматни ўтаб ёруғ юз билан қайтаётган аскарларни муносиб кутиб олиш ҳам ҳамкорликда ташкил этилади. Мақсадимиз юртимиз тинчлик, осмонимиз мусаммолиги, сарҳадларимиз дахисизлиги ватанпарвар, мард йигитлар қўлида бўлсин. Ўғлонларни асл профессионал, ҳарбий соҳани касби, қувончу ташвиши деб биладиган, фидойи мард ва жасур қилиб тарбиялаш хар бир ота-онанинг мукaddас бурчиға айлансин.

**Шоира МУҲАМЕДОВА суҳбатлашди**

*Баҳорги чақирик — 2005*

**ВАТАНПАРВАР ЙИГИТЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК**

Маълумки, Қуролли Кучларимиз зиммасига она Ватанимиз тинчлиги ва худудий яхлитлиги, халқимиз осойишталигини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган. Шундай экан, мамлакатимизга посбонлик қилаётган хар бир командиру оқдй аскар бу мукaddас ишончини оқлаш учун сидиққилдан хизмат қилмоғи, харб илмини мукамал эгалламоғи лозим. Заҳматли меҳнатнинг фидойисин бўлиш учун Миллий Армиямиз сафлари ҳақиқий ватанпарвар, жисмонан соғлом, рухан тетик, мард йигитлар билан тўлдирилмоғи керак. Айни кунларда **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 мартда эълон қилинган «Мuddатли ҳарбий хизматнинг белгиланган мuddатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига набатдаги чақирув тўғрисида»-ги қарорига кўра бутун республикамизда, хусусан шахримиз ва туман мудофаа бўлимларида баҳорги чақирик бўйича қизгин ишлар бошланиб кетган. Бизнинг Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, подполковник Бахтиёр МАҲМУДОВ билан суҳбатимиз ҳам шу хусусда бўлди.**

ҳолда йигитлар танлов асосида хизматга сараланмоқда. Айтиб ўтишим лозимки, 1 апрелдан бошлаб шаҳардаги барча мудофаа ишлари бўлимларида қақирув комиссиялари ўз ишини бошлайди. Унда биринчи набатда мuddатли ҳарбий хизматга қақирлиши керак бўлган йигитларни қақирув комиссияларидан ўтказиб, Мудофаа вазирлиги томонидан берилган режа ва жадалга асосан хизматга жўнатилди. Бунинг учун ҳамма нарсалакхон тاخت қилиб қўйилган. Соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ишлари вазирлиги каби қатор давлат ва жамоат

бўлган йигитлар сафарбарлик қақирув резервига олинади. Бу хизмат турига жалб қилинганлар Мудофаа вазирлиги билан шартнома тузилгани ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баробари миқдорда бадал тўлайдилар ва бир ой хизмат қиладилар. Тушган бадаллар муस्ताқил юртимиз мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, мuddатли хизматга жалб этилган аскарларнинг моддий ва маиший шароитини бундан-да яхшилашга сарфланади. Таъқидлаш жоизки, мазкур хизмат армия сафларига боролмаган йигитларга ҳам тенг имкониятларни

батта хар бир қақирлувчининг билими, соломатлиги, интеллектуал даражаси, ижтимоий ахлоли, жисмоний таъйёрлиги, бақорар руҳий ҳолатидан келиб чиқиб, ятқ-танловда юқори натижаларга эришганлари мuddатли хизматга жалб қилинади. Шу ўринда ота-оналарга алоҳида таъқидлаб ўтмоқчимиз, фарзандчилигининг мuddатли хизматга ёки сафарбарлик қақирув резервига бориши учун ҳеч қандай таниш-билишчиликнинг керағи йўқ, фақат хизмат ёшига етганда вақтида, чақирув қозғоши бориши билан мудофаа бўлимига келишса, тиббий комиссия назорати

**ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР САРИ**

Маълумки, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкilotи республикамизнинг давлат хавфсизлиги, унинг Қуролли Кучлари мудофаа қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашиши, кенг халқ оммаси, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод вакилларини меҳнатта, Ватан ҳимоясига бўлган хоҳиш, истакларининг юзага чиқшига яқиндан ёрдам бериб келаётган ташкilot ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ташкilotнинг туман кенгаши «Ватанпарвар» марказий Кенгаши томонидан тасдиқланган Низом доирасида қатор ижобий ишларни олиб бормоқда. Хусусан, «Ватанпарвар» ташкilotининг Тошкент шаҳар кенгаши тасарруфидаги Бектемир туман кенгаши томонидан амалга ошириладиган ишлар бир мунча эътиборли.

Таъқидлаш жоизки, туман кенгашилари олдида турган асосий вазифалар — «Ватанпарвар»нинг бошланғич ташкilotларини тузиш, доимий равишда оммавий ватанпарварлик тадбирларини ўтказиб бориш, қарамоғидagi ўқув муассасалари ва спорт-техника ташкilotлари неғизинда халқ хўжалиги учун оммавий касб ходимлари таъйёрлаш ҳамда Низомда кўзда тутилган барча талабларни тўла бажаришдир.

Ана шуларни ҳисобга олиб таъқидлайдиган бўлсак, туман кенгаши тасарруфидagi ўқув муассасаларида хар бир ўқув йилида 25-30 нафарга яқин «В» ҳамда «ВС» тоифаларида ҳайдовчилик таъйёрланмоқда. Уларнинг ҳайдовчилик йуриқномаларини мукамал ўзлаштиришида Маҳмуд Мирзаев, Абдумалик Шамонов, амалий машқ усталари Анорхон Эшонқулов, Оди Шокиров ҳамда Матниёз Солиевларнинг ҳиссаси катта. Мураббийлар ўз йўналишларига қараб, йўл ҳаракати қондалари, автомобилни бошқариш, йўл-транспорт ҳодисалари содир этилган пайтда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, энгил автомобиль тузилиши (амалий машғулот), автомобиль тузилиши (назарий машғулот) фанларидан пухта сабоқ берадилар. Қувонарлиси шундаки, ўтган 2004 йилнинг май ойидан бошлаб 6 гуруҳ «В» ҳамда «ВС» тоифалари бўйича шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси рўйхатидан ўтказилди. Дарс машғулотларини намунали ўзлаштириб, ҳайдовчилик гувоҳномагарига эга бўдилар.

Шу билан бир қаторда ушбу туман кенгашида спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, туман кенгаши қошида ташкил этилган тўгарак аъзолари ўртасида хар бир ўқув

йилида пневматик милтиқдан нишонга отиш, дуатлон, триатлон, ракета модель сингари спортнинг қизиқarli турлари бўйича мусобақалар уюштирилиб турилади. Тадбирларда ўз иқтидор ва истеъдодларини намойиш этган тўгарак аъзолари қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Утган Меҳр ва мурувват йилида туман ёшларининг сиёсий онгини ошириш, уларнинг қалбига диний экстремизм ва ақида-парастлик гоғлари ёт уйдирмалар эканлигини сингдириш мақсадига «Мажнунтол» маҳалласидagi қақирққ ёшидаги ўсмирлар билан «Огоҳлик — давр талаби» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Худди шундай тадбирларнинг бевосита давоми сифатида туман мактабларига таълим олаётган 35 нафар аълочи ўқувчиларнинг Темурийлар тарихи давлат музейига саёҳати уюштирилди.

Бутун кўп соҳаларда бўлгани каби «Ватанпарвар» ташкilotида ҳам замон талабларидан келиб чиқиб ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, марказий Кенгаши раёсатининг 2002 йил 26 июлдаги қарори асосида янги иш Низоми тасдиқланди. Белгилаб қўйилганидек, вилоят, туман (шаҳар) кенгашилари хузурида хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи шўьба, унитар, ҳиссадорлик ва бошқа мулкчилик шаклларидаги қорхоналар фаолият юрита бошладди. Худди шундай қорхона Бектемир туман кенгаши қошида ҳам ташкил этилган. 2004 йилнинг апрель ойидан иш бошлаган шўьба қорхона «Интеграл плюс» деб номланди. Ҳозирда унинг ходимлари туман худудидagi мавжуд. Шу уйларда капитал ва жорий таъмирлаш ишларини олиб бормоқда. Албатта, бу жараён коммунал хизмат идоралари билан келишган ҳолда амалга оширилади.

Умуман олганда туманда ўзига хос ютуқлар билан ҳали ўз ечимини кутиб турган муаммолар ҳам мавжуд. Шу боис, Қуролли Кучларимиз мудофаа қудрати юксалишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган соҳа мутаассадиларига ишларида омад ёр бўлишини тилаймиз.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

**ВАТАНПАРВАР**



Суҳбатни айнан профессионаллик моҳиятидан бошладик.

— **Ўз касбининг устаси, соҳасининг билимдонини профессионал** деб санаган бўлардим. Соҳасини игилдан игнасигача ўрганиш учун эса унга ҳавас қўя билмоқ керак, — дея сўз бошлади кичик сержант. — Масалан, мен пилемётчиман. Мунтазам равишда йигинларда қатнашиб келяман. Устоз командирлардан сабоқлар олаяман. Кейинги пайтларда тоғ шароитида жанг қилиш кўникмаларини ўргандим. Эгалловка қилиш илмини пухта эгалладим. Хали-ҳануз соҳам бўйича изланишларимни давом эттираяман. Замонавий қурол-аслаҳаларга қизиқаман. Улар ҳақида маълумотлар йиғишга ҳаракат қиламан. Тез-тез полигонга — жанговар ўқув машғулотларига чиқамиз. Хар йил жанговар-тактик вазифаларни бажариб, таж-

*Армиямиз сянги ва таянчи*

**СОҲАСИНИ ШАРАФЛИК ДЭС БИЛАДИ**

**Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ғайрат Ҷўрабоев билан Марказий ҳарбий округ полигонидa танишдик. Уни энг илғор профессионаллардан бири сифатида тавсия этишдик.**

рибани бойтамыз. Дейлик, менда пулемёт бўйича билимларни эгаллаш билан чеклансам, ўз қобилимга ўрналиб қоламан. Бугунги талабдан — сержантларга бўлган талаб ва эътибордан келиб чиқиб, ўз устимда ишлайман. Спорт билан мунтазам шуғулланаман. Компьютерда ишлашни ўрганаёман. Командирларимиз «Интеллектуал салоҳиятингиз юксак бўлиши лозим. Шунда бурчингиз-

ни юракдан англайсиз, хар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қила оласиз», дейишди. Қолаверса, айнаи ўқув йилининг шioriда ҳам интеллектуал салоҳиятини ошириш хар бир ҳарбий хизматчининг бурчи эканлиги таъқидланган. Бўш пайтларда бадий адабиёт намуналаридан ўқийман. Хорижий тиллардан бирини пухта ўрганиш ниятим бор. Умуман, билимларимни, дунёқарашимни яна-

ям шакллантира бораман, — дейди жумладан кичик сержант Ғайрат Ҷўрабоев.

Посбоннинг шартнома бўйича хизмати давом эттираётганига ҳам 5 йил бўлди. Бу давр ичиде у хар томонлама шаклланди. Соҳасига меҳри янада ортди. Бугун бу ўғлон билан гуруҳ командири катта лейтенант Мирхон Бойдибеков, взвод командир катта лейтенант Уктам Нурбоев фахрланади. Ахир, ана шундай профессионаллари борлиги учун жамоа ҳамиша пешкадам-да. Ғайрат оилали, рафикаси билан шириндан-шакар қизалогини тарбиялапти.

Ўқув масвуми авж палласига чикан айна дамларда кичик сержант жанговар ютуқлари билан сарфдошларига ибрат бўлмоқда. Бунинг зармирида Ватанга, бурнга садоқатдек олижаноб тўғуғ мўжассам.

**Майор Аҳмаджон СОДИКОВ**

*Исмоҳотлар оқилида*

**ЮКСАҚДИР СЕРЖАНТ МАҚОМИ**

Қуролли Кучларимиздаги ислохотлар замирида сержантларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун сержант мақоми хар доимгидан юксак, устувор. Уларга армиямиз суянчи ва таянчи, аскарларнинг яқин устози деб қаралмоқда. Келинг, аввало ислохотлар талабларидан келиб чиқиб, сержант ким, унинг замонавий армиядаги вазифалари, мажбуриятлари нима, деган саволга жавоб излаб кўрайлик.

Сержант ўзига буйсунувчи, яъни кўл остидагиларни жанговар шай тутишда бўлима командирига амалий ёрдам кўрсатади.

Сержант кўл остидагиларни билими, тажрибаси билан ўз ортидан эргаштира олиши, моҳирона командирлик қилиши, шахсий қўрсаткичлари билан жамоа посбонлари ўртасида ҳурмат, эътиборга сазовор бўлиши лозим. Шуларнинг ўзидан ҳам кўриниб турibdiki, сержант Қуролли Кучларимиздаги асосий бўғинлардан ҳисобланади. Ўқув режаси сержантлар таъйёрлаш масаласига янгича эътиборни илгари сурди. Бунинг самараси сифатида туртта ҳарбий округимизда сержантлар таъйёрлаш мактаблари ташкил топди. Гарчи бунга уч йилдан зиёдрок вақт ўтган бўлса-да, бугун сержантлар таъйёрлаш мактабларимиз янгича қиёфа кашф этиб бормоқда. Мазкур ҳарбий ўқув масканлари замонавийлаштирилиб, энг илғор технологиялар, жиҳозлар билан таъминланаяпти. Бугун ишонч билан айта оламизки, бундай масканлар ривожланган мамлакатлардаги шундай ўқув юртиларидан қолишмайди. Замонавий моддий-ўқув базаси билан ҳам, сифатли мутахассислар таъйёрлаш билан ҳам.

Хорижлик ҳарбийлар сержантлар таъйёрлаш мактабларимизда бўлишганида уларнинг эътиборларини ҳам кўп бора эшитганмиз.

Яқинда ана шундай ўқув масканларидан бирида — Жануби-ғарбий ҳарбий округи сержантлар таъйёрлаш мактабиде бўлдик. Маълумки, Президентимиз Ислон Каримов 2004 йилнинг 6 октябрида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига сафари давомида мазкур сержантлар таъйёрлаш мактабиде бўлди. Бўлгуси сержантларнинг яшаш ва ўқиш шароитлари билан танишиб, уларни янада яхшилаш борасида мутасаддиларга йўл-йўриқлар берди. Бу ҳам бўлса сержантларни таъйёрлаш масаласи Президентимизнинг давлатимизнинг доимий эътиборида эканлигини кўрсатади. Хизмат сафариде давомиде мазкур ўқув масканиде кейинги пайтларда яратилган шарт-шароитлар, бунёдкорлик ишлари билан танишдик. Бу хусусида тўхталишдан олдин бир хушбахбарни таъқидлаб ўтсак. Яқинда Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлигининг буйруғига биноан ҳарбий округлар сержантлар таъйёрлаш мактаблари ўртасида 2003-2004 ўқув йили якунларига кўра танлов ўтказилиб, энг илғор ўқув маскани аниқланди. Бу янгиликдан кўзда тутилган мақсад сержантлар таъйёрлаш мактабларида ўқув-тарбиявий жараёнини назорат этишни ташкил қилиш, сержантлар тарбиясини таъйёрлаш сифатини оши-

**ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛЛИК УСТУВОР**

Сержантлар таъйёрлаш мақоми қайта таъмирлангач, спорт шаҳарчаси ҳам янгидан жиҳозланди, замонавий талабларга жавоб берадиган даражага келтирилди.

Шаҳарчага жисмоний таъйёрлаш ва спорт цикли бошлиғи майор Нуриддин Аллаев масъул. «Шаҳарчимизда брус, турник, тўсиқлар майдончаси, кўл жанги майдончаси ва бошқа кулайликлар бор. Кўл жанги бўйича йуриқчимиз шартнома бўйича хизмат кичик сержант Владимир Омонов машғулот ўтади. Шаҳарчада тоғ таъйёрлиги учун мўлжалланган майдонча ҳам мавжуд. Унда шартнома бўйича хизмат кичик сержант, тоғ таъйёрлиги бўйича йуриқчи Комил Примов машғулот ўтапти», дея изох берди майор Аллаев.

**МОДДИЙ-ЎҚУВ БАЗАГА ЭЪТИБОР**

Ана энди тилга олинаётган сержантлар мактабининг моддий-ўқув базаси, шарт-шароитлари билан танишсак бўлади. Дастлаб компьютер синфини кўздан кечирамиз.

Бу ёрға энг замонавий компьютерлар ўрнатилган. Ушбу синфга капитан Музаффар Исабоев масъул. «Экслс ойнаси», «Ворд ойнаси» чиройли қилиб ёзиб қўйилган. Компьютер билан илгари ишламаган ҳарбий уларига қараб, ўрганади. Ўқув режаси асосида белгиланган соатларда компьютердан сабоқлар берилди.

Ички қўшинлар махсус тактика синфидемиз. Унга майор Бахтиёр Бердиев масъул экан. Шуни таъқидлаш жоизки, 2004 йилда қайтадан таъмирланиб, ишга туширилган мазкур синф хонасида бир талай ўзгаришлар бор. Моддий-ўқув базаси хар томонлама такомиллашди. Масалан, курсант мuddатли ҳарбий хизматини бошқа қўшин турида ўтаган бўлиши мумкин. Демак, ички қўшинлар тактика синфидан эса у қўшин тури, вазифаси ҳақидаги барча кўргазмали маълумотларни топади.

**ТОҒ МАКЕТИДАГИ БЕЛГИЛАР**

Ўқув биносида яна бир синф бор. Бу оммавий қиргин қуролларидан химояланиш машғулотлари синфи. Бугунги ҳарбий-сиёсий вазият шуни кўрсатмоқдаки, посбонлар оммавий қиргин қуролларидан химояланиш сир-асорларини пухта эгаллашлари шарт.

Халқаро террорчилар ўз ёғуз мақсадларини амалга ошириш йўлида хар қандай қаҳхилдан — турли қимёвий, бактериологик қуролларни қўллашдан ҳам торошмайди. Шунинг учун бу борада бўлгуси профессионалларга пухта сабоқлар берилди. Мазкур машғулотлар синфига тажрибали офицер-подполковник Санъат Ибрагимов масъул. Синфиде оммавий қиргин қуроллари ҳақида, улардан химояланиш воқиссаларини қийиш, қўллаш хусусида кўргазмали маълумотларни топасиз.

Разведка бўйича машғулотлар ўтиладиган синфга майор Рустам Тожиқулов масъул. Бу тажрибали офицер ўз соҳасининг билимдонларидан. Ҳарбий топография ўқитувчиси катта лейтенант Элвиз Мадалимов, шартнома бўйича хизмат сержанти Отабек Норовлар билан биргаликда разведка-тактик ишлари учун мўлжалланган тоғ макетини қилишган.

**Курсантлар мазкур макетни ўрганишар экан, у орқали топография илмини пухта ўрганишди.**

**ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛЛИК УСТУВОР**

Сержантлар таъйёрлаш мақоми қайта таъмирлангач, спорт шаҳарчаси ҳам янгидан жиҳозланди, замонавий талабларга жавоб берадиган даражага келтирилди.

Шаҳарчага жисмоний таъйёрлаш ва спорт цикли бошлиғи майор Нуриддин Аллаев масъул. «Шаҳарчимизда брус, турник, тўсиқлар майдончаси, кўл жанги майдончаси ва бошқа кулайликлар бор. Кўл жанги бўйича йуриқчимиз шартнома бўйича хизмат кичик сержант Владимир Омонов машғулот ўтади. Шаҳарчада тоғ таъйёрлиги учун мўлжалланган майдонча ҳам мавжуд. Унда шартнома бўйича хизмат кичик сержант, тоғ таъйёрлиги бўйича йуриқчи Комил Примов машғулот ўтапти», дея изох берди майор Аллаев.

**ЧЕГАРАЧИЛАР СИНФИ, МАИШЙЙ ҚУЛАЙЛИКЛАР**

Сержантлар таъйёрлаш мақоми Чегара қўшинлари учун ҳам мутахассислар таъйёрлаб беради. Шунинг учун мактабда Чегарачилар шаҳарчаси бунёд этилган. Унда давлат чегараси, тўсиқлар, назорат-ўтиш жойи, миноралар, хуллас чегарани белгиловчи барча воситалар бор.

Курсантлар бу ерда амалий машғулотлар ўтишади. Давлат чегараларини ҳимоя қилиш тартибин янада пухта ўрганишади. Чегара қўшинлари тактикаси цикли ўқитувчиси, капитан Ихтиёр Саидов шаҳарчага масъул. Қолаверса, чегарачи курсантлар учун махсус жиҳозланган синфга ҳам.

Курсантлар ётоқхонасига кирганимизда Президентимизнинг «...Эски маънодаги қазарма деган тушулчандан бутунлай воз кечиб, аскар, сержант ва офицерларимизни ривожланган давлатлар армияларидagi каби барча кулайликларга эга турар жойлар билан таъминлаш доимий эътиборимиз марказида бўлмоғи лозим...» деган гаплари хаёлга келди. Хоналар икки кишига, бир кишига мўлжалланган. Уларда диван, қаровот, стол, тумбочка, шифонер, стуллар бор. Ётоқхоналарда «Маънавият ва маъриф

## Шарқ дурдоналари

03-03 ЎТГАН  
ДОМО БУЛАВ...

● Киши учун ногаҳоний ўлим икки нарсадан келади: ортикача бойлик учун интилишдан ва бевъжани сўзларни кўп гапиришдан.

Мол-дунё тугайди, аммо яхши ишлар абадий қолади. Биров ер, биров боқар, қиёмат шунда қўпар.

● Инсоф энг яхши фазилатдир:

**Кимда инсоф бўлса у мард кишидир, Инсофсизлик эса номард ишидир**

Инсофсиз кишига ҳам хашиша йўлдош бўлади. Мен сенинг қўлингдан тутсам, сен менинг оёғимдан тортасан.

**Ёмон кунда гина кўтарилади, Зиёнкор гиёх боғдан юлиб отилади.**

● Айбсиз қиз кидирган ёрсиз қолади. Гўзал ҳисобланган ойда ҳам доғ бор.

**Айбсиз дўст кидирган дўстсиз қолади. Билмаган айб эмас, сўралмаган айб.**

● ХИКОЯТ. Бир подшо уз мол-мулкнинг қўлтигидан фахрланган, илм ахлини менсимай қўйган, ўз ихтиёрича иш тугиб, фисқу фужурга берилган эди. Бир кун у борижа қаноат қилиб камтарлик йўлини тутган доно хакимга дуч келиб қолди ва унга:

— Эй хаким, нимани хоҳласанг тила, сўровингни мухайё қиламан! — деди.

— Шундай қилгинки, ажал ҳеч қачон бошимга соя солмасин! — деди.

— Бу иш менинг қўлимдан келмапти, — деди подшо.

— Бўлмаса, — деди хаким, — қарилки мавсуми кетиб, ёшлик айёми қайтиб келсин!

— Бу иш ҳам қўлимдан келмапти! — деди подшо.

— Орамизда фарқ йўқ экан-ку, — деди хаким шунда, — мен қилолмайдиған ишни сен ҳам қилолмас экансан, аммо сенда мол-давлат кўп бўлгани учун кирб отига миниб, манманликка берилибсан. Мен эса топангима қаноат қилиб, ҳеч кимга ялнимайман, демек мен ҳам ўзим учун подшома!

● Барзув ал-ҳаким айтди:

— Агар сен ёлгончилик балансига дучор бўлмайин десанг ўзингга ростгўйлик хислатини шпор қил, ниманики айтсанг, айтган гапингга вафо қил, меҳнатга мубаало бўлмади десанг, меҳнат қилувчиларга раҳм кўзи билан боқ! Ҳасад дардида йўлиқмай десанг, Узағлар молу давлатга етса хурсанд бўл! Оқил кишиларга ёқмай қолишдан қўрқсанг ҳаё отига мин!

● Луқмони ҳаким ўз ўғлига деди:

— Эй ўғлим, ялқовлик кўчасига кирма, кўнглинг тор бўлмасин, чунки кимда ялқовлик ва бевъжарлик бўлса у ҳеч қачон бахтга эриша олмайди.

● ХИКОЯТ: Дўст шундайки, суҳбатингни малол олмайди, узокда юрсан нутмайди, бойлик ва камбағалликда ўзгармайди. Хожатинг бўлса амалга ошириш учун жон-жаҳди билан киришади, яхшилигини миннат қилмайди, биров хожати бўлса сендан аширмайди, аҳволини сир тутмайди, сенга қанча кўп яхшилик қилса уни шунча кам деб ҳисоблайди, сендан озгина яхшилик қурса уни кўп дейди, барча ишда ўзини сенга ҳамнафас деб ҳис қилади. Байт:

**Савдогар дилидан меҳр излама, Ҳар ким билан қилар алоқа ҳар он, Ҳушовоз қушни кўр ҳар бир лаҳзада, Ҳақ гул олдига қуйлар беармон.**

**Мард билан дўстлиқнинг ипини боғла, Номард билан дўстлик қилма ҳеч қачон!**

Ушанда жума кун эди. Бош муҳаррир ўринбосари Максим Каримов қаҳириб қолди. Хонасига кирсам, у стол устидаги хатга тикилганча сукат сақлаб ўтирарди.

— Утиринг, — деди Максим ака ниҳоят хатдан бош кўтариб, — кеча бош муҳарриримиз «Текшириб, чора кўринлар», — деб қўлимга мана бу мактубни тутқазди. Танишиб чиқдим. Бир онахон ёлғиз фарзандининг бемехрлигидан шикоят қилиб ёзибди. Шу хатни сизга топшираман. Сўраб-суриштиринг. Агар мактубдаги фикрлар тўғри бўлса ўша онаизорни йўлирига нигорон қилган тошбағир ўғил устидан фелъетон ёзишингизга тўғри келади.

Хонамизга кириб мактубни ўқий бошладим. У куйидаги сўзлар билан бошларди.

«Хурматли тахририят, ушбу хатни бир бечора ғариб онадан деб билгайсиз. Ёшим 60 дан ошган. Иккинчи гуруҳ ногирониман. Давлатдан кексалик нафақасини оламан. Оғир касаллик туфайли узок ётиб қолдим. Кўни-кўшиларга раҳмат, иссиқ-совуғимдан хабар олиб туришибди. Кўпинча кечалари билан мижжа қоқмай хаёл суриб чикаман. Ўғлимни, яккаю ягона фарзандини ўйлайман. Уни кўргим келади. Бироқ, ўғлим мени ташлаб кетган. Ҳолимдан хабар олмайди. Нима қилай? Аламимни фақат кўз ёшидан оламан. Ахир унга нима ёмонлик қилибманки, ўғлим мендан шунчалар беэибот кетди?»

Хатни қайта-қайта кўздан кечирдим. Ўқган сари вужудимни титроқ босади. Турли-туман саволлар фикри-зикримни чулғаб олади. У қандай ўғил? У қанақа одам? Ўз онасини, нури дийдасини қариганда ёлғиз қолдириб кетиш инсофдими? Бу нодонлик, паскашлик эмасми? Дарҳақиқат, бундай фарзандни ўғил деб атаб бўлармикан? Йўқ, у бундай табаррук, муқаддас номга номуносиб. Онани хор қилган, дийдорига зор қилган бундай кишиларга халқимиз оқдарлар деган муносив ном берган.

Уша кунгёк белгиланган манзил бўйича йўл олдим.

Мана, қаршимда Тожихон опа ўтирибди. Унинг пиёла тутган қўллари охиликдан қалтирайди. Ўғлининг йўлига нигорон кўзлариде дамбадам ёш қалқийди. Аҳмаджон номини тилга олган лаблари тинимсиз пирпирайди. Ахир шу титроқ қўллар бир вақтлар Аҳмаджонни йўрғакламаганмиди? Шу нурсизланиб қолган кўзлар қувонч билан Аҳмаджонга тикилмаганмиди? Бечора она бутун умрини ўғлига бағишлаб, кексайди. Унга тикилган сарим юрагим эзиларди.

— Мен ўғлимнинг пулига зор эмасман, — дейди она. — Менга унинг ўзи керак. Уни шу умидда катта қилмаган эдим. Отаси кўз юмишдан олдин қайта-қайта, «Ўғлимизни яхшилаб тарбияла, менинг йўлигимни билдирма унга», — деб васият қилган эди. Ваъданинг устидан чиқдим. Уқитдим. Ўқини битирган Самарқанддан Тошкентга келди. Ёлғиз ўзи қийналиб қолмасин деб орқасидан мен ҳам келдим. Олдин кўчада фаррошлик қилдим, кейин троллейбусда чиптачи бўлиб ишладим. Хуллас, нимаики топсам ўғлим учун ишлабладим. Янги уйга кўчиб ўтди, жанжал бўлшанди. Ҳатто уйдан чиқиб кетишга аҳд қилдим. Лекин ўғлимни, набираларимни ташлаб кетишга қўзим қиймади. Орадан кўп ўтмай ўғлим мени ёлғиз қолдириб кетди. Мана икки йилдирки, ҳолимдан хабар олмайди. Сизларга мурожаат қилишимдан мақсад, балки ўғлим эл олдиде уялиб қилишимдан афсусланар, хулоса чиқарар, мендан кечирим сўрар, деган умиддаман.

Олдин Аҳмаджон ишлайдиган қорхонада бўлиб раҳбарлар билан суҳбатлашдик. Ҳамма бир овоздан унинг ўз касбининг устаси, интизомли, илғор ишчи эканлигини айтди. Балки чиндан ҳам шундайдир. Лекин онани хор-зор қилиб ташлаб қўйган ҳар қандай пешқадам ишчининг меҳнати, унинг қорхонадаги жонқурлиги, ташлаб-бўсқорлиги юқоридаги ғуноҳни ҳеч қачон ювмайди. Бизнингча, инсоннинг олий маслағи фақат унинг меҳнатқашлиғида эмас, балки ота-она олдидеги фарзандлик бурчини қандай ўташида, оилада, юриш-туришида, ахлоқийлиғида ҳамдир.

Аҳмаджонни топиб у билан суҳбатлашдик.

— Билмайман, — деди у, — онамга яна нима керак. Нега бизни тинч қўймайди.

Ахир оилам катта бўлса, қайси бирига етказишга ҳайронман. Тўртта болам бор, бунинг устига аёлим ишламайди. Оилалик бўлгандан кейин шунақа эканда. Очилини айтсам онам билан хотиним чиқиб-майди. Шунинг учун уч хонали уйимизни икки хоналикка алмаштириб чиқиб кетдик. Онамга олдинги уйимизнинг бир хонасини олиб бердим. Кампирга қараб туришни қўшиларга тайинладим. Шундай қилмасам бўлмасди, чунки аёлим» ё онангни де, ё мени» деб турбди олади.

— Нега кампирнинг аҳволидан хабар олмайсиз?

— Иш кўп, вақт йўқ, — дейди Аҳмаджон жимлайди.

Қизик, она билан ўғилнинг яшайдиган уйлари орталиғи бир бекатгина йўл. Пиёда юрлса беш дақиқалик. Наҳотки виждонли ўғил шу қисқа масофани босиб, бир зум бориб онасини кўришга вақт топмас?

Аҳмаджонга «Ҳали ҳам кеч эмас, онангнининг олдига қайтинг, ундан кечирим сўранг», мазмунида маслаҳат бердик. У ўжарлик қилди. Кўнмади.

— Бўлганим шу, нима бўлса бўлар, — деб турбди олди.

— Сиз ва оилангиз билан онаизор ўртасидаги муносабатлар ҳақида газетда мақола чиқса яхши бўлмайди, — дедик.

— Мен розиман, ёзаверинг, лекин ҳақиқат қилинг, — деган жаовоби берди у.

Такрор-такрор тушунтирдик. Аҳмаджон маслаҳатимизга юрмади. Начора, орадан тўрт кун ўтиб, газетда «Онахонинг интизор» номли мақола эълон қилинди. Эртасига Аҳмаджон тахририятга югуриб келди.

— Нима қилиб қўйдингиз, — деди у бизга ўшқириб, — мени тоза шарманда қилдингизку?

Биз бор гапни унга айтдик. Кейин Аҳмаджон қилмишидан пушаймон бўлди. Лекин вақт ўтган, энди кеч эди.

— Мен бунчалик бўлар, деб ўйламаган эдим, — деди ўқиниб. — Айтинг, энди нима қилай?

— Онанғиздан кечирим сўранг. У кечирса яна бир бор мавзуга қайтишимизга тўғри келади.

Шундай бўлди. Она-бона бир-бирларини кечирди. Шу аснода газетда «Мени кечиринг, онахон» сарлавҳали мақола пайдо бўлди.

Газетда босилган мақолаларнинг таъсир кучи ҳақида сўз борганда яна бир гапни айтмай иложимиз йўқ. Бу ўша йили «Оқшом»да эълон қилинган «Саховат» сарлавҳали мақоладир. Унинг мазмуни куйидагича: Қорхонанинг илғор ишчиларидан бири фожеали вафот этади. Орадан кўп ўтмай шу қорхона жамоаси учун давлат томонидан битта турар жой ажратилганлиги маълум бўлади. Умумий йиғилиш қарори билан бу уй-жой навбатда турган 10 кишидан биттасига берилади. Лекин ўша одам ўзига қўрсатилган эътибор учун жамоасига раҳмат айтиб шу уй-жойни фожеали вафот этган касбдошининг оиласига берилишини ўтирганлардан илтимос қилади. Бор гап шу.

Тахририятнинг ҳафталик йиғилишида мақола яхши баҳоланди. Шунда йиғилишга яқун ясаган бош муҳаррир ўринбосари Максим Каримов шу мақолани битта пёсага мавзу қилиб олса ҳам бўларканда, деган гапни айтди. Яхши ният ярим мол деганларидек, кўп ўтмай шу асосда Максим аканинг «Инсонликка номзод» деган пёсаеси бунёдга келди. Бу асар йиллар давомида бир қанча театрларнинг сахнасини беэади.

Айниқса йил бошида биз «оқшомчи»ларнинг ишимиз қизгин кечарди. Газетанинг таъсирчанлигини янада ошириш, мақолалар мазмундорлигини кучайтириш, шу куннинг талабидан келиб чиқиб саҳифаларни янги-янги рукнлар билан бойитиш устида соатлаб бош қотиришимизга тўғри келарди. Шу тортишув ва му-

нозаларимиз туфайли газетда ўзига хос янгилашти ва ўзгаришлар юзага келганлиги яққол сезилиб қоларди. Хусусан, «Саксон отанинг янги йил ўйлари» рўкни остидаги «Ўрнак бўлайлик» сарлавҳали мақола ана шундай изланишларимизнинг ҳосилаларидан бири эди. Унда отахон кексаларга мурожаат қилиб: «Азиз ҳамшаҳарлар, хурматли отахонлар ва онахонлар. Биз кексалар доим элнинг кўзида бўламиз. Ёшлар биздан ўрнак олади. Шундай экан, баҳоли қудрат хайрли иш қилсак бўлмайди? Қўлимизда куч, белимизда қувват борича эл-юртнинг гамини ўйласак ўзимизга ҳам фойдаку. Азиз тенгдошлар, келинлар, янги йилнинг тўнғич кунидан бошлабқо элга ўрнак бўлайлик. Асло кексайдим демайлик», деган сўзлар билан ўз тенгқурларини жамоат ишларида фаол қатнашишга қаҳиради. Ушбу мақола газетхонлар ўртасиде катта мунозарга сабаб бўлди. Шунда бош муҳарриримиз Саъдулла ака: «Энди бу мавзунинг давом эттиришимиз керак», — деган гапни айтди.

Шу кундан бошлаб газетга яна бир «Кексайдим деманг» рўкни билан бойиди.

Уша йиллари метро мавзуси ҳам газетанинг асосий йўналишларидан

бирига айланди. Шаҳарда метро қурилиши жадал давом этаётган паллада метрочиларнинг кундалик ишлари, қўлга қиритган натижалари ҳақида тез-тез чиқишлар қилиб туриларди. Шулардан мисол тариқасида «Марра эгалланди» мақоласини келтиришимиз мумкин. Унда Тошкент метрополитенининг «Чилонзор» бекатини Собир Раҳимов номидаги станция билан боғловчи биринчи тоннел қазиб бўлинганлиги ҳақида хабар қилинганди.

Газетда ойда бир марта «Куйлайман шаънингни, эй, она-Ватан, куйлайман ўзимнинг республикамни» мавзуси остида бориладиган қардош республикалар ҳақида бағишланган махус сонни ҳам «Оқшом» газеталарининг диққатга сазовор ишларидан бири сифатида эътироф этиш ўринли. Бу ҳақда гап борганда газетанинг Грузия, Озарбойжон, Қозоғистон республикаларига бағишланган махус сонларини айтиб ўтиш мумкин.

«Оқшом» шаҳар ҳаётини мунтазам ёритиш билан бирга Тошкентда олиб бориладиган ободончилик ишларига ҳам кенг эътибор қаратар ва бу борда янги-янги ташаббусларни кўтариб чиқарди. Газета саҳифаларидан «Тошкент сўлими ва кўркам бўлисин» рўкни деярли тушмасди. Шундай ташаббуслардан бирида куйидаги жумлаларни ўқиш мумкин. «Тошкент чинакам боғ шаҳарга айланишини ҳар биримиз дил-дилдан истаимиз. Бундай шаҳарда ишлаш ҳам, дам олиш ҳам гоят мароқли. Агар биз истиқомат қилаётган кўча ўзимизга жуда ёқар экан, биз уни кўркам ва сўлим этишда ҳар қанча куч ва вақтимизни аямаслигимиз керак. Жонахон Тошкентимизни ободонлаштириш йўлида ҳар биримиз ўз улушимизни қўшайлик». Айтиш керакки, газетга йиллар бўйи ўзининг ана шу анъанасига содиқ қолиб келмоқда. Шаҳар ободончилиги бугунгича кунда ҳам «Оқшом»нинг бош мавзуларидан бири бўлиб қолмоқда.

«Оқшом» газеталарини муштарийлар билан боғловчи яна бир воситаларидан бири — хатлардир. Шу боис ҳам хатлар бўлими тахририятнинг энг муҳим бўғини ҳисобланади. Газета ташкил топибдики, шу бўлимга Зуҳра Аъзамжонбаева бошлиқ қилиб келади. Бир кунда унинг қўлидан қанча-қанчала хатлар ўтади. Уларда одамларнинг дил изхорию қувончи, ташвиши, тақдир биланган бўлади. Ҳар бир хат ортида инсон тақдир этишини, уларга ҳаммиша эътиборли муносабатда бўлиш кераклигини «Оқшом» жамоаси яхши тушунади.

Шуниси қувонарлики, хат эгаларининг қўлчилиғи ўз талаб-истағи ижобат бўлганидан, газета тахририятининг аралашувида сўнг муаммолари ечимини топганидан мамнун бўлиб миннатдорчилик сўзларини изхор этишади. Бундай дил изхорлари бизни яна бир бор ўз ишимизга маъсуляти билан ёндашишга ундайди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

## Ҳинар сағоси

«ОҚШОМ»НИНГ  
ЎТГАН ХИСОМЛАРИ  
ТЎҚҚИЗИНЧИ ХИКОЯ

полмас?

Аҳмаджонга «Ҳали ҳам кеч эмас, онангнининг олдига қайтинг, ундан кечирим сўранг», мазмунида маслаҳат бердик.

— Бўлганим шу, нима бўлса бўлар, — деб турбди олди.

— Сиз ва оилангиз билан онаизор ўртасидаги муносабатлар ҳақида газетда мақола чиқса яхши бўлмайди, — дедик.

— Мен розиман, ёзаверинг, лекин ҳақиқат қилинг, — деган жаовоби берди у.

Такрор-такрор тушунтирдик. Аҳмаджон маслаҳатимизга юрмади. Начора, орадан тўрт кун ўтиб, газетда «Онахонинг интизор» номли мақола эълон қилинди.

Эртасига Аҳмаджон тахририятга югуриб келди.

— Нима қилиб қўйдингиз, — деди у бизга ўшқириб, — мени тоза шарманда қилдингизку?

Биз бор гапни унга айтдик. Кейин Аҳмаджон қилмишидан пушаймон бўлди. Лекин вақт ўтган, энди кеч эди.

— Мен бунчалик бўлар, деб ўйламаган эдим, — деди ўқиниб. — Айтинг, энди нима қилай?

— Онанғиздан кечирим сўранг. У кечирса яна бир бор мавзуга қайтишимизга тўғри келади.

Шундай бўлди. Она-бона бир-бирларини кечирди. Шу аснода газетда «Мени кечиринг, онахон» сарлавҳали мақола пайдо бўлди.

Газетда босилган мақолаларнинг таъсир кучи ҳақида сўз борганда яна бир гапни айтмай иложимиз йўқ. Бу ўша йили «Оқшом»да эълон қилинган «Саховат» сарлавҳали мақоладир. Унинг мазмуни куйидагича: Қорхонанинг илғор ишчиларидан бири фожеали вафот этади. Орадан кўп ўтмай шу қорхона жамоаси учун давлат томонидан битта турар жой ажратилганлиги маълум бўлади. Умумий йиғилиш қарори билан бу уй-жой навбатда турган 10 кишидан биттасига берилади. Лекин ўша одам ўзига қўрсатилган эътибор учун жамоасига раҳмат айтиб шу уй-жойни фожеали вафот этган касбдошининг оиласига берилишини ўтирганлардан илтимос қилади. Бор гап шу.

Тахририятнинг ҳафталик йиғилишида мақола яхши баҳоланди. Шунда йиғилишга яқун ясаган бош муҳаррир ўринбосари Максим Каримов шу мақолани битта пёсага мавзу қилиб олса ҳам бўларканда, деган гапни айтди. Яхши ният ярим мол деганларидек, кўп ўтмай шу асосда Максим аканинг «Инсонликка номзод» деган пёсаеси бунёдга келди. Бу асар йиллар давомида бир қанча театрларнинг сахнасини беэади.

Айниқса йил бошида биз «оқшомчи»ларнинг ишимиз қизгин кечарди. Газетанинг таъсирчанлигини янада ошириш, мақолалар мазмундорлигини кучайтириш, шу куннинг талабидан келиб чиқиб саҳифаларни янги-янги рукнлар билан бойитиш устида соатлаб бош қотиришимизга тўғри келарди. Шу тортишув ва му-

Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади. Президентимиз ташаббуслари билан жорий йилимизнинг "Сиҳат-саломатлик йили" деб номланишида ҳам келажак ҳаётимизнинг соғлом насли ҳақидаги хайрли мақсад кўзлангани кундай равшан. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон телерадиокомпанияси томонидан "Тўрт карра йўқ!" деб номланган тавло эълон қилинган эди.

Ушбу ташаббус Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари, "Камолот" ЁИХ, БМТнинг ВИЧ/ОИТС бўйича Ўзбекистондаги бирлашган дастури, БМТнинг гиёвандлик ва жиноятчилик бўйича ваколатхонаси томонидан қўллаб-қувватланиб, тавло ушбу ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилмоқда. "Тўрт карра йўқ!" акциясидан кўзланган мақсад эса жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, СПИД, гиёвандлик, ичкиликбозлик, чекиш каби иллатларга қарши курашишга барча инсонларни жалб этишга қаратилган. Юқоридаги ажал оғуллари бутун дунё бўйлаб тарқалиб, энг ачинарлиси, ўз домига қўллаб ёшларни тортмоқда. Бу албатта соғлом фикрли ҳар бир инсонни ташвишга солади.

Ёшлар-келажакимиз, буюк ишларимиз давомчилари, миллатимиз фаҳри. Шундай экан, эртанги кунимиз, орзу-умидларимиз бутун бизнинг ёшларга бераётган тарбиямизга боғлиқ. Келажак авлод наслига ҳам келгусида муҳим оқибатларни келтириб чиқарувчи иллатларга камчилик бўлиб эмас, балки ҳамма бир ёқдан бош чиқариб курашишимиз керак. "Тўрт карра йўқ!" акцияси ташаббускорлари ҳам бошлаган ишларида айнан юқоридаги мақсадларни кўзлаганлар.

Ушбу акциянинг йил мобайнида ўтказилиши ва унинг доирасида қўллаб-қувватлаш бўлиб ўтиши режаланган. Хусусан, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг "Тошкент" телеканали ташаббуси билан ҳар ойнинг охириги яқинбадида "Тўрт карра йўқ!" телемарафони ўтказиб келинмоқда. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қиладиган, ОИТС, гиёвандлик, ичкиликбозлик, кашандлик каби иллатлар келтириб чиқарадиган муҳим оқибатлар, юртимизда уларга қарши олиб борилаётган кураш, бу курашда фидоийлик кўрсатаётган инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи қатор кўрсатувлар ўрин олган ушбу марафоннинг навбатдагиси 27 мартда бўлиб ўтди.

Телемарафон ҳақидаги фикрларимизни айтиб ўтишдан олдин ҳамшаҳарларимиз, азиз газетхонларга бир фикрни айтиб ўтмоқчи эдик. Сиз бутун дунё аҳлини ларзага солиб, шиддат билан жаҳонга таҳдид қилаётган, "Аср — вабоси" деб бонг урилаётган иллатлар ҳақида, аждаҳо каби очилиётган унинг қомидан унинг-ўсиб келаётган ёшларимизни қандай асраб қолиш ҳақида ҳеч ўйлаб кўряписми? Кенг жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши билан ўтказилаётган "Тўрт карра йўқ!" танловидан хабардормисиз? "Зангори экран" қаршига келганингизда телемарафон бошланишидан дарак бериб бонг урилганда бир оз тўхтанг, телевизорни бошқа каналга олишга шошилманг, диққат билан кузатинг, эшитинг, ўйланг, телемарафон заҳматкашлари сизу бизни оғоҳликка чақирмоқдалар, умид ва чексиз меҳру муҳаббат билан тарбиялаётган фарзандларимиз тақдирини оғоҳ бўлишга ундамоқдалар.

"Сиҳат-саломатлик йили" доирасида ўтказилаётган "Тўрт карра йўқ!" (ОИТСга йўқ! Гиёвандликка йўқ!, Ичкиликбозликка йўқ!, Кашандликка йўқ!) танловига бағишланган телемарафондан ўрин олган ҳар бир кўрсатув ҳақида оз бўлса-да алоҳида тўхталиб ўтиш ўринлидир. "Тенгдошлар", "Болалар ва спорт", "Маъмурий-ҳуқуқий органларнинг гиёвандлик моддаларини тарқатувчиларга қарши кураши" мавзулари, айниқса "Чекиш — ҳаёт учун хавфли!" шиори остидаги кўрсатувдан ўрин олган таъбирлар ҳар кимни ҳам ўйлатиб қўйиши мумкин. Ахир дунё бўйича бу иллатга ўт очилганда жуда кўп вақт бўлганига қарамай инсонлар соғлиғи хавф остида. Демак бу йўлда ҳали кўп ишлар қилиниши лозим. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра дунё бўйича 8.000.000дан ортиқ киши, ҳар 8 сонияда бир одам тамаки асосатларидан кўз юмар экан. Чекувчиларнинг асосий қисминини 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган кишилар ташкил қилиниши кузатувлардан маълум. Нақалар аччиқ бўлмасин бу ҳақиқат, ундан кўз юмиб бўлмайди. Шундай экан бу заҳри қотилдан қутулиш учун нима қилиш керак?

**БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ.** — деб бонг уради кўрсатув муаллифи, ахир кўча-кўйда сигарет билан савдо қилиб ўтирганларнинг балоғат ёшига етмаганларга сигарет сотишга руҳсат берилмаслиги ҳақидаги қонундан хабарлари бормикан. —

Ўзингизнинг болангизга шуни раво кўрармидингиз? — деган ҳақиқ савол қўйилади, ахир болалар ўзимизнинг фарзандларимиз, нуридийларимизку, уларни заҳарлашга нима ҳаққимиз бор? Энг ачинарлиси, ҳозиргина бир болага сигарет сотган аёл, уялмай-нетмай, бу болаларга сотган биринчи сигаретим, бундай ишни асло қилмаппман, деганига қандай баҳо берасиз?

Фарзанд тарбиясига эътиборни кучайтириш вақти келмадимикиан, нима дейсиз азиз замондош.

Яна шу кўрсатувда "2-Тошкент давлат тиббиёт институти ҳудуди — тамакидан ҳоли зона" дея институт раҳбарияти томонидан эълон қилингани, барча талаба, профессор, ўқитувчиларнинг институти ҳудудида чекишлари қатъиян ман этилгани, бу тўғридаги маънавий-маърифий анжуманда кўтарилган ма-

*Тўрт карра йўқ!*

## БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

**ЁХУД "ТОШКЕНТ" ТЕЛЕКАНАЛИДА  
МУНТАЗАМ НАМОЙИШ ЭТИЛАЁТГАН  
ТЕЛЕМАРАФОН ҲАҚИДА**

салалар Республикамиздаги барча олий таълим муассасаларига ҳам ибрат бўлишга аргизулик деб ўйлаймиз.

Телемарафондан ўрин олган "Ажал сўқмоғи", "Сухбатдош", "Кўзгудаги аксимиз", "СПИД, гиёвандлик, чекиш ва ичкиликбозлик ҳақида" каби кўрсатувлар, ҳеч кимни безтебибор қолдирмай, ҳар бир қадамимизни ўйлаб босишимиз керакликка ундайди деб ишонгимиз келади.

ОИТС касаллигининг бутунги кунга келиб давоси йўқ, шафқатсиз офатлардан бири эканлиги ҳар биримизга маълум. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ана шу дард билан касалланганлар сони 2003 йилда 5 миллион кишини ташкил этди. Улардан 700 минг нафари 15 ёшгача бўлган ўсмирлардир. Касаллик оқибатида ҳалок бўлганлар сони эса 3 миллионга етган. 1987 йилдан 2004 йилнинг августига қадар республикада 3867 нафар инсон ОИВ инфекцияси билан хасталангани қайд этилган. Қанчалар аччиқ бўлмасин бу ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди.

Шундай экан, соғлом фикрли ҳар бир инсоннинг вазифаси келажак эгалари бўлган ёшларни бу офатдан сақлаш, шарқона менталитетимизга хос бўлган одоб-ахлоқимизу, ҳалол ва ҳаромни ажратиб каби энг олий туйғуларимизни жуда кичиклигидан улар онгига синдириш лозим. Токи ҳар биримизнинг ному-ориниш, ҳаё-андишамиз бизни ҳаром йўлга юриш, нопок луқмани ютишдан сақлаб турсин, фарзандларимиз ҳам мана шундай руҳда тарбиялансин.

Ёшларни ажал домига тортаётган, ҳаётини заҳарлаётган иллатлардан яна бири — гиёвандлик балосидир. Аср вабоси деб таъриф берилаётган ушбу иллатга қарши ҳозирда бутун дунёда кураш кетаяпти. Гиёвандликка қарши кураш республикамиз ички ишлар идоралари ходимларининг энг долзарб, кун тартибдан тушмайдиган доимий вазифалардан биридир. Айниқса бу борадаги ишлар мамлакатимизнинг Жанубий Тожикистон ва Афғонистон билан чегарадош ҳудудларида кенг кўламли олиб борилмоқда. Негаки, гиёвандлик моддалари асосан мана шу мамлакатлар орқали бизнинг республикамиз ҳудудида кириб келади. Бу мамлакатлардаги қора ниютли кишилар республикамиз орқали дунёнинг бошқа мамлакатларига ҳам гиёвандлик моддаларини ўтказишга интилишади. Улар ўзларининг гаразли мақсадларига етиш учун турли усулларни ўйлаб топаётганларини кўриб ёқа ушлайсан, киши. Бу ишга аёллар ва болаларни ҳам жалб этишга, уларнинг қўллари билан жиноий ҳаракатларини амалга оширишга уринишларини эса ҳеч ҳам кечириб бўлмайди.

Статистика маълумотларига кўра, гиёвандлик билан боғлиқ жиноятларни содир этаётганларнинг 35 фоиздан ортигини ҳали 30 ёшга ҳам тулмаган ёшлар, салкам 15 фоизини эса аёллар ташкил этар экан.

Бутунги кунда бутун Республикамиз ҳудуди бўйлаб ички ишлар идоралари ходимлари билан биргаликда маҳаллаларда, мактабларда, олий ўқув даргоҳларида тез-тез учрашув, тадбирлар ўтказилмоқда. Бунда албатта гиёвандликнинг муҳим оқибатлари аниқ ми-соллар ёрдамида тушунтирилмоқда. Фақат бунда ҳамма бир ёқдан бош чиқариб, «Бу менинг ишим эмас» деб лоқайлик қилмасдан, иллатга қарши биргаликда кураш олиб борилиши зарур.

Ичкиликбозлик ҳам энг зарарли ва кишини муқаррар ҳолатка олиб келувчи иллатлар сирасига кириди. Телемарафондан ўрин олган дастурлар давомида ушбу иллатнинг илдизлари, зиён-заҳматлари тўғрисида атрофлича фикр юритилди. Ичкиликбозликнинг олдини олиш юзасидан нурунийлар, маҳалла фаоллари, руҳшунос шифокорлар, дин пешволари қимматли мулоҳазаларини билдиришди. Ахир

ичкиликбозлик тўғрисида қанчадан-қанча оилалар барбод бўлаётгани, инсон тақдирлари заволга юз тутаётгани ҳеч кимга сир эмас-ку. Унга қарши курашда ҳам кенг жамоатчилик ўз таъсирини кўрсатиши даркор.

5-шаҳар болалар касалхонасининг алоҳида бўлими ҳамда 1-мурувват уйида гиёвандлик оқибатида майиб-мажруҳ бўлиб тутилган болалар тарбияланади. Ақлан ва жисмонан заиф болажонларнинг аянчли аҳволини кўрар экансан, бахтиёр юрагинг орқага тортиб кетади. Ахир бу ёрғ дунёга умид билан келаётган ҳар

бир инсоннинг бахтли-саодатли ҳаёт кечирishiга ҳаққи бор-ку. Нима учун биз уларни бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиб, бутун ҳаёти давомида азоб чекишга маҳкум қилишимиз керак?

Шу мавзуга ҳамоҳанг равишда шаҳар наркологи диспансерининг фаолияти, унда гиёвандларни даволаш қандай йўлга қўйилганлиги, бутун реабилитация ва физиотерапия жараёнлари акс этган фильм "оқ ажал" домига илтинган кишини буткул тушунликка тушмасликка, ўзини қўлга олса, қийинчилик билан бўлса-да қабих иллатдан қутилиши мумкинлиги тўғрисида фикр юритишга даъват этади. Ўйлаймизки, собиқ гиёванд, ҳозирда наркологи диспансериде ишлаб, бутун кучини гиёвандларни муҳим йўлдан қайтаришга уринаётган кишининг "Қайси йўлни танлаш ўзингизга ҳавола", дейиши, албатта ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Телемарафондан ўрин олган "Соғлом турмуш тарзи" номли ток-шоуда талабалар иштирокида ўтказилган қизиқарли давра суҳбати орқали ёшлар нуқтаи назари билан танишсангиз, "Ажал сирмоғи" номли уч қисмли ҳужжатли фильмида акс этган гиёвандфурушларнинг жирканч фаолияти, бу ишга ҳатто болаларни жалб этганликларини кўриб ёқангизни ушлайсиз. Гиёвандлик, чекиш, ички иллатлари сари қадам қўйишга интилаётган ёшлар тарбиясига бепарқ бўлмасликка, хушёрликка чақиради фильм муаллифлари. Зеро, ҳаммамиз ҳам фарзандларимиз бўш вақтини қандай ўтказаяпти, ўртоқлари кимлиги билан қизиқавермаймиз. Вақти келиб пешонамиз тошга текканида эса афсус-надомат чекканнинг фойдаси бўлмаслиги мумкин...

Мухтасар қилиб айтганда, "Тошкент" телеканали ижодий жамоаси "Тўрт карра йўқ!" телемарафонини мунтазам йўлга қўйиб, уни юқоридаги каби таъсирчан, кишини ўйга толдирадиган, ибратому лавҳалар билан бойгаётганини фақат қўллаб-қувватлаш лозим. Телемарафон давомида ичкиликбозлик, чекиш, гиёвандлик ва ОИТСга тўрт карра йўқ, жисмоний тарбия ва спортга, соғлом ҳордиққа, соғлом турмуш тарзига, соғлом экологияга эса тўрт карра ҳа деб, шунга интилиб яшашимиз керак дейишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётганлиги ойдинлашади. Шунга ишончимиз комилки, туркум кўрсатувлар келгусида албатта ўзининг ижодий таъсирини кўрсатади. Телеканал ижодкорларига эса заҳматли хизматдан чарчаманг, ижодий ишларингизда доимо омад ёр бўлсин, дея тилак билдириб қоламиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ,  
Шоира МУҲАМЕДОВА

**Футбол**

**МУХЛИСЛАР  
КУТМАГАН  
НАТИЖА**

Жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг иккинчи босқич иккинчи учрашуви Ўзбекистон терма жамоаси учун муҳим аҳамият касб этарди.

Чунки Тошкентда Саудия Арабистони терма жамоаси билан ўтказилган биринчи учрашувда дуранг натижа кайд этилган, бу ўзбекистонлик чарм тўп усталари имкониятини бироз камайтирганди. Хуллас Қувайт терма жамоаси билан сафарда ўтадиган баҳсада Юрген Гёде шогирдларига галаба сув билан ҳаводек зарур эди. Аммо, 25 март кuni бўлиб ўтган беллашувда яна терма жамоамиздан омад юз ўгирди. Қувайтликлар билан учрашувда ҳамюртларимиз куйдагиде таркибда ҳаракат қилишди: Алексей Поляков, Бахтиёр Ашурматов, Асрор Аликулов (Анвар Солиев), Алексей Николаев, Олег Пашинин, Миржалол Қосимов, Андрей Аюпкин, Владимир Маминов, (Сервер Жепаров), Элдор Магдиев, Максим Шацких, Александр Гейнрих.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳамюртларимиз маҳорат, тажриба, тўп билан муомала қилишда, бир-бирига тўп узатишда мезбонлардан устунлик қилишди. Бироқ, тезлик борасида мезбонлар ўзбекистонликларни орда қолдиришди. Дарвоқе, химоя чизгимизда муаммолар борлиги кўзга ташланиб қолди. Буни 9-дақиқадаёқ Башар Абдуллоҳ Абдулазиз томонидан химоячиларимизнинг кўпол хатолари сабаб Ўзбекистон терма жамоаси дарвозасига гол киритилиши ҳам яққол исботлайди. Шу кuni нима учундир ҳужумчиларимизнинг уйинлари кўзга ташланмади. Гўё майдонда Шацких ҳам, Гейнрих ҳам ҳаракат қилмаётгандек туюлди. Очиғи футболчиларимиз ҳисобни тенглаштириш мақсадида кўп марта шиддатли ҳужумлар уюштиришди. Маминов, Қосимовларнинг узоқ масофадан йўллаган кучли зарбаларини дарвоза тўсиғи қайтариб қолди. Лекин, яна Башар Абдуллоҳ Абдулазиз химоячиларимиз оқизлигидан унумли фойдаланиб Поляков дарвозасини иккинчи марта ишғол этиб ҳисобни 2:0 га етказди. Учрашувнинг қолган 15-20 - дақиқаси яққол ўзбекистонлик футболчилар устунлигида ўтди. Ана шундай ҳужумлардан бирида Қосимов оширган тўпни Гейнрих дарвозага аниқ йўллаб ҳисобдаги фарқни қисқартирди — 2:1. Аммо, қолган дақиқалар учрашувнинг дуранг билан яқунлигини таъминлай олмади.

Ушбу гуруҳдаги Саудия Арабистони — Жанубий Корея терма жамоалари ўртасидаги беллашув 2:0 ҳисобида майдон эгаларининг галабаси билан яқунланди. Шундай қилиб икки уйиндан олти очко жамгарган Саудия Арабистони терма жамоаси биринчи ўринга, уч очкодан тўллаган Жанубий Корея ва Қувайт терма жамоалари иккинчи, учинчи ўринларга кўтарилиб олишди.

Жаҳон чемпионати саралаш турнирининг навбатдаги учрашувлари 30 март кuni бўлиб ўтади. Ҳамюртларимиз сафарда Жанубий Корея терма жамоаси билан куч синишишди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

**Мунажжим башорати**

**ОМАДИНГИЗ КЕЛСИН  
30 МАРТ, ЧОРШАНБА**

Ҳа, мунажжимлар бугун кўпгина эзгуликларни сиз азизларга ваъда қилишадди. Жумладан, бугунги кун бугун бир янги ишлар туркумини бошлаш учун кулай ҳисобланади. Мабодо, бугун кўлингизга пул тушса, сизга яна пул келтиришадди. Умуман, аста-секин омадингиз юришиб кетиши сари янги имкониятлар очилади. Шуни ҳам айтиш керакки, ёшига ёш қўшилиб, ҳаётий тажрибаси ортиб бораркан, инсон тақрор ва тақрор олам ва одам ҳақидаги тасаввурларини мушоҳада этади, уларни тўлдириб ва аниқлаб боради. Бунинг учун у бир илмий таълимот концепциясидан воз кечиб, бошқасини ёқлайди. Шу аснода ҳар биримиз барча инсонларга бирваракайига тўғри келадиган ягона йўл-йўриқ бўлмаслигига ишонч ҳосил қилиб борамиз. Фақат бир нарсани — инсон ўзининг йў-фикрлари, гап-сўзлари ва ҳар бир қилмиши учун масъул эканини унутмаслик керак.

Шунинг учун ҳар бир ишга жиддий ёндошиш, ҳаммасини тарозу палласига солиб ўлчаб, мулоҳаза юритиш талаб этилади. Кескин, уйламай қилинган хатти-ҳаракатлар англашилмовчиликларга олиб келиши мумкин. Атрофдагиларнинг маслаҳатларига кулоқ тутиш, лозим бўлса — улардан ёрдам сўранг. Спорт билан шугулланиш, бадани чиниктириш, пиёда сайрлар учун бугунги кун кулай ҳисобланади.

Бугун пулни қарзга бериш, тушириб қўйиш,

йўқотиш мумкин эмас. Аломатларга мурожаат этадиган бўлсак, кўзгу, соат топиб олиш, ҳеч бўлмаса соат занжирининг кўлга тушиши — яхшиликка. Мабодо, рўзгор асбоблари синиб қолса, шамол деразаларини очиб юборса — уларни оғохлантирувчи белгилар сифатида қабул қилинг. Агар тўсатдан хонанинг чироғи ёнадиган бўлса — бу келажак омаддан хабар. Кун давомида бир неча бор бирор кишининг исмини эшитсангиз, тез орада у билан учрашингиз мумкин.

Бу кеча кўрадиган тушларингиз ўнгидан келади. Аммо улар сиздан кўра кўпроқ атрофингиздаги кишиларга алоқадор бўлади.

Бугун оғир ва ёғли таомлардан воз кечинг, малина ва сут-қатик маҳсулотларини тановул қилинг. Жигарингизни эҳтиёт қилинг.

Кийинишда кўк, настирин ва яшил рангли либослар омад келтиради. Оқ, қора ва кўкиш ранглардан узоқроқ бўлишга ҳаракат қилинг.

**БУГУНИ МАСЛАҲАТЛАРИМИЗ:**

- молиявий ва рўзгор муаммоларини ҳал этиш;
  - ҳуқуқшунослар билан мулоқотда бўлиш, ҳужжатларни расмийлаштириш;
  - интеллектуал меҳнат, илмий ишлар ҳамда чуқур билим талаб қилинадиган бошқа фаолият турлари билан шугулланиш;
  - саёҳат ёки хизмат сафарига йўл олиш;
  - китоб, мебель, озиқ-овқатлар харид қилиш;
  - оила даврасида ёки ҳамфикр кишилар даврасида дам олиш тавсия этилади.
- Шубҳали маҳсулотларни харид қилиш, товуш пайлари хасталикларига безътибор қараш, тасодифий танишлар ортириш ман этилади.

**Лола сайли хандалари**

**БАЛАНДЛИҚДА**

Дўстлари билан сайрда юрган ҳаваскор шоирнинг бир ўзи баланд қир тепасига чиқиб, гул-кўрпадек янаб турган қизгалдоқларга қараб овоз, чиқариб, шевр ўқий кетди:

- Эҳ, лолалар, лолалар, Накадар чиройлисиз!**  
Шу пайт нарида ўт ўриб, пичан тайёрлаётган бир киши ҳаваскор шоир ёнига келиб ўқдирибди:  
— Укажон, сизни маҳлиё қилган — рубарўдаги лола эмас булар лолақизгалдоқлар бўлади!  
— Амаки, баланддан лола билан қизгалдоқнинг фарқи бориш қийин экан-да! — дея ўзини оқламакчи бўлибди шоир.  
— Сал пастроққа тушинг, — ўроғи билан ўрсатибди пичанчи, — лолалар хув ўша ерда!  
— Раҳмат, амаки, сал баландлаб кетибман! Уэр!

**ЭЛАККА БОРСАНГ...**

Ёш келин-куёв лола сайрида чарчашиб, ўзлари овқат пиширмоқчи бўлишибди. Шу-нда куёв бола машинасидан кичик бир қозончини олиб, унга тошлардан ўчоқ ҳозирлашга киришибди. Келин бўлса сал наридаги чўпонлар яшайдиган уйни кўрсатиб, дебди:  
— Одилжон ака, сиз ўчоқ ҳозирлагунингизча, мен хув анани хонадондан элак олиб келай, бешбармоқ пишириб бераман, мазза қилиб еймиз.  
— Хой Гулжаҳон, — деб кулибди куёв, — элакка борадиган бўлсанг, келгунингча бошқа овқат пишириб тураман, элакка борганининг эллик оғиз гапи бўлади, тушунарлими? **Хандапаз Олим КҶЧОРБЕКОВ**

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**«ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ» СУПЕРМАРКЕТ ОАСИЧЖНИНГ 2005 ЙИЛ 1 ЯНВАРИГА БЎЛГАН БАЛАНС ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТИ**

**2005 йилнинг 1 январига бўлган БАЛАНС (МИНГ СЎМ)**

| АКТИВ |   |                |
|-------|---|----------------|
| 1.    | Асосий маблағларнинг қолдиқ қиймати               | 525466         |
| 2.    | Номоддий активнинг қолдиқ қиймати                 | 3665           |
| 3.    | Узоқ муддатли сарможалар                          | 2702           |
| 4.    | Ишлаб чиқариш заҳиралари                          | 36441          |
| 5.    | Қайта сотиладиган товарлар                        | 599221         |
| 6.    | Пул маблағлари                                    | 44377          |
| 7.    | Бошқа активлар                                    | 41473          |
|       | <b>ЖАМИ</b>                                       | <b>1253345</b> |
| ПАСИВ |   |                |
| 1.    | Низом фонди                                       | 110560         |
| 2.    | Қўшилган капитал                                  | 15087          |
| 3.    | Резерв капиталли                                  | 541340         |
| 4.    | Тақсимланмаган фойда                              | 319451         |
| 5.    | Мақсадли тушум ва фондлар                         | -----          |
| 6.    | Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар | -----          |
| 7.    | Бошқа пасивлар                                    | 266907         |
|       | <b>ЖАМИ</b>                                       | <b>1253345</b> |

**2005 йилнинг 1 январига бўлган молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (МИНГ СЎМ)**

|    |  |         |
|----|--|---------|
| 1. | Сотилган товарлар ва кўрсатилган хизмат бўйича тушум | 3747536 |
| 2. | Сотилган маҳсулотларнинг таннархи                    | 2898488 |
| 3. | Ялпи даромадлар                                      | 881664  |
| 4. | Шу даврдаги харажатлар                               | 651999  |
| 5. | Умумҳўжалик фаолиятнинг молиявий натижаси            | 229665  |
| 6. | Фойда (даромад) солиғи                               | 5199    |
| 7. | Бошқа солиқлар                                       | 173309  |
| 8. | Ҳисобот давридаги соф фойда                          | 51157   |

Молиявий натижаларнинг тўғрилиги «Andrey Audit» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 24 сентябрдаги АФ №00215 сонли рухсатномаси)

"Ватан киностудияси" шўъба жамоа ҳўжалиги "Ватан киностудияси" масъулияти чекланган жамиятига айлантирилди. Барча даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 45-32-52, 45-26-61 телефонлари орқали қабул қилинади.

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**  
газеталари тахририяти  
реклама агентларини  
ишга қабул қилади.  
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95  
**ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ**

**Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қўмита реквизитлари ўзгарганлиги муносабати билан ўзининг янги реквизитлари тўғрисида хабар қилади.**

Янги реквизитлар: Тошкент шаҳри, 700043  
Халқлар дўстлиги кўчаси, 7-уй. Ўзбек-Турк банки  
Х/р 20203000900131623022 МҶФО: 00395 ИНН: 201124131 ОКОНХ 97400  
Тел.: 173-86-75, 173-86-73, Факс: 173-85-65



**Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

ҳатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тафос ефсет  
узелда босилган.  
3009 нусхада босилди. Қоғоз бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқадди.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар  
жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент  
почтасига» — 133-74-03 телефонига мурожаат  
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.